БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 66 (2357). | 3 апрель, чоршанба, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.



Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозида 180 гектар ерга маккажўхори экиш тугалланай деб қолди. СУРАТДА: маккажўхорига ажратилган майдонларнинг сўнгги гектарларига уруғлик экилмоқда. В. Салов фотоси.

ТАСС ахбороти

Космик фазони ва Қуёш системасидаги планеталарни тадқиқ қилиш программасига мувофиқ, 1963 йил 2 апрелда Совет Иттифоқида Ойга томон космик ракета учирилди.

Ракетанинг охирги босқичи даставвал Ер сунъий йўлдошининг оралиқ орбитасига чиқарилди, сўнгра у старт олиб, ҳаракатнинг белгиланган траекториясига чиқди.

Космик ракета бортида вазни 1422 килограмм бўлган «Ой-4» автоматик станцияси ўрнатилган. «Ой-4» автоматик станцияси Ой районига уч ярим суткадан кейин етади.

Автоматик станцияга ўрнатилган ҳамма аппаратлар нормал ишламоқда.

Станция парвозини кузатиш, унинг траекторияси параметрларини белгилаш, Ерда илмий информацияларни қабул қилиб олиш Совет Иттифоқи территориясидаги махсус ўлчаш асбоблари комплекси билан амалга оширилмоқда.

Ҳозиргача ишлаб чиқилган натижаларга қараганда, автоматик станция мўлжалдаги траектория бўйлаб ҳаракат қилмоқда.

1963 йил 2 апрель Москва вақти билан соат 16 да станция Ер сатҳининг координаталари шарқий узунликнинг 122 градус 37 минут ва шимолий кенгликнинг 38 градус 56 минут бўлган нуқтасининг устида Ердан 50.486 километр масофада эди.

«Ой-4» автоматик станциясининг парвози тўғрисидаги навбатдаги ахборот 3 апрелда эълон қилинади.

ИЛҒОР ПИЛЛАЧИЛАР КЕНГАШИ

Кеча Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси хўжаликлари илғор пиллачиларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаш қатнашчилари бошқарма бошлиғи М. Убайдуллаеванинг «Пилла етиштиришни кўпайтириш юзасидан 1962 йилда қилинган ишлар якуни ва 1963 йил учун олинган социалистик мажбуриятларни бажариш тадбирлари тўғрисида»ги докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан илғор пиллачилар бу йил пландан ташқари 2 минг килограмм пилла етказиш учун тўла имконият борлигини таъкидладилар.

Кенгаш қатнашчилари бошқарма хўжаликларидаги барча пиллачиларга қарата мурожаат қабул қилдилар.

ЛОЙИҲАЛАШ ҲАМ ИЖОД

Шаҳар ва қишлоқларимизда кенг ҳажмда капитал қурилиш ишлари олиб борилаётир, ўнлаб саноат корхоналари, савлат тўкиб турган юзлаб маданий-маиший муассасалар, минглаб турар-жойлар бинолари қад кўтармоқда. Республикамиз пойтахтининг тобора кўркамлашиб, гўзаллашиб, чиройи очилиб бораётган қиёфасига хол бўлиб тушган ва ҳақли равишда Тошкент Черемушкаси деб аталаётган Чилонзор, Оқтепа, Болгарское огороди массивлари, Тошкент ва Оҳангарон ГРЭСлари, Чорвоқ ГЭСи, Оҳангарон цемент, Олмалиқ мис эритиш заводлари ва бошқа сон-саноқсиз объектлар дунёга келмоқда. Уларга биринчи бўлиб йўлланма берган кишилар лойиҳачилардир. Ҳа, юртимизнинг қудратли ва обод, серфайз, халқимиз турмушининг фаровон, гўзал, сермазмун бўлишида бу ижодий фикр эгаларининг хиссасиз улуши салмоқлидир.

Лойиҳачиларимиз зиммасига катта ва масъулиятли вазифалар юклатилган. Қанитал қурилишини муваффақиятли олиб бориш кўп жиҳатдан уларнинг ишига боғлиқ. Чунки бирор янги объектни бунёд этиш йўлидаги дастлабки қадамни лойиҳачилар қўяди, ана шу биринчи қадам ҳар томонлама ўйланиб, қанчалик пухта ва мустаҳкам кўйилса, бундан кейинги ишлар ҳам яхши кетади. Лойиҳанинг кўнгилдагидек тузилиши объектни қуриш ишларининг тез ва сифатли боришида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Тўғри, кейинги йилларда лойиҳачиларимиз зиммаларидаги масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда ишлаб, объектларни қуришда турли хил прогрессив материаллар — йиғма темирбетон, айниқса олдиндан таранг қилиб тортилган конструкция ва деталлардан тобора кўпроқ фойдаланиш, айрим биноларни йирик панеллардан йиғиш назарда тутилган арзон ва тежамли лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлай бошладилар. Бу-лар, шубҳасиз қурилишни янада индустриалаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш сифатини яхшилаш, иморатларнинг таннархини камайтиришга ёрдам бермоқда. Уй-жойлар ва маданий-маиший муассасаларнинг типовой лойиҳаларини яратиш ишлари изчиллик билан олиб борилаётир.

Умуман олганда лойиҳалаш ишлари хали ҳам юксак савияда эмас, давримиз тараққиёти ва талабларидан орқада қолаяпти, ҳали ҳам айрим лойиҳалар қурилиш фани ва техникасининг энг сўнгги муваффақиятлари, маҳаллий шароитлар ҳисобга олинмай тузилаётир. Бу эса қурилишни орқага судрамоқда, объектларнинг белгиланган муддатда ишга туширилишига имкон бермаётир, уларга маблағ ва меҳнат сарфиётини ошириб юбораяпти.

Саноат объектларини лойиҳалашда катта камчилик ва чалкашликларга йўл қўйилмоқда. Деярлик барча янги корхоналар якка-якка ҳолда тузилган лойиҳалар асосида қурилмоқда, бунда типовой лойиҳалар деярлик қўлланилмайди. Ҳатто ишлаб чиқариш хусусиятлари бир-бирига жуда яқин бўлган корхоналар қуриш учун типовой лойиҳаларнинг шу вақтгача яратилмаганлигини ҳеч қандай сабаб билан изоҳлаб бўлмайди. Вахоланки, областимизда саноат корхоналарини лойиҳалаш билан шуғулланаётган ўнлаб институтлар ва марказий лойиҳалаш институтларининг филиаллари бор.

Сўнгги йилларда колхоз ва совхозларда хўжалик ва маданий-маиший муассасалар биноларини, уй-жойлар қуриш анча кенгайди. Лекин «Ўзгипросельстрой» институти қишлоқ қурилишларини лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминлашнинг уддасидан чиқолмаётир, объектлар қуриш учун техника ҳужжатларини жуда кечикиб тайёрлаб бермоқда. Лойиҳаларининг сифати кўнгилдагидек эмас, уларда маҳаллий биноқорлик материалларидан фойдаланиш хисобга олинмайди, унча катта бўлмаган объектларни қуришда ҳам жуда кўп турли-туман тип ва ҳажмдаги материалларни ишлатиш тавсия этилади. Бу қурилишда қўшимча қийинчиликлар туғдирмоқда.

Институт коллективи бу йил областнинг қишлоқ районларида қурилиши назарда тутилган турли объектлар учун зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини жуда қониқарсиз тайёрламоқда. Лойиҳаларни тайёрлаб бериш ҳақида ўтган йилнинг сентябрь ойида заявка берилган эди, аммо ўшандан бери олти ой вақт ўтишига қарамай, ҳозиргача бу объектларнинг жуда оз қисмининг лойиҳаси ишлаб чиқилди, холос.

Лойиҳалаш ишида бундай камчиликлар шунинг учун ҳам содир бўлмоқдаки, маҳаллий партия ва совет ташкилотлари лойиҳалаш институтлари ишларини жуда суст назорат қилмоқдалар, сифатсиз ва қимматбаҳо лойиҳа-смета ҳужжатларн тузишни бартараф этиш каби муҳим масалалар билан етарли шуғулланмаётирлар.

Бу камчиликларни тугатиш учун лойиҳалаш ташкилотлари ишини тартибга солиш, уларга раҳбарликни яхшилаш, лойиҳалаштиришни ихтисослаштириш, уни янги техника даражасига кўтариш ҳамда шулар асосида қурилиш сифатини ошириш ва қийматини арзонлаштириш, прогрессив биноқорлик материаллари, қурилишнинг илғор иш усулларини кенг қўлланиш имконини берадиган лойиҳалар тизмига эришиш керак. Маҳаллий партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари лойиҳалаш ташкилотлари фаолияти устидан контролни кучайтиришлари, бу муҳим иш билан мунтазам шуғулланишлари, ҳар бир коллективнинг куч-ғайратини лойиҳа-смета ҳужжатларининг сифатли ва пухта ишланишига сафарбар этишлари. ҳар бир лойиҳачининг ўз иши сифатига нисбатан масъулиятини оширишлари зарур.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 66 (2357). | 3 апрель, чоршанба, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЗЎР ИМТИҲОН ЙИЛИ

Сирдарё область қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгашидан

Сирдарё областининг тузилгани Мирзачўлни ўзлаштириш тарихида муҳим босқич бўлди. Асрлар бўйи қақраб ётган ерларга улуғ Ленин декрети асосида бошланган ҳужум бизнинг давримизда ажойиб самаралар берди. Ана шу баракали ўлка совет меҳнаткашларига ғоят сахийлик билан бериб келаётган жамики нарсалар-неча юз минг тонналаб қимматбаҳо пахта, қанчадан-қанча гўшт, сут, жун шулар жумласидандир.

Республиканинг янги области ўзининг илк баҳорини кутиб олди. Кўкламги экиш даври-деҳқоннинг қалби авжи зўр умидларга тўлиб-тошган пайтдир. Мана шунинг учун қўрик ерликлар етти йилликнинг бешинчи йилида ўз олдиларида турган вазифаларни биргаликда муҳокама қилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўлқўллиги учун курашдаги ўз юксак марраларини белгилаб олиш ниятида 30 март куни Урсатьевскадаги Темир йўлчилар маданият саройига тўпланишди.

Сирдарё область ижроия комитетининг раиси Е. Т. Тасинбоев область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг 1963 йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Кенгаш қатнашчилари Сирдарё областининг тузилгани Мирзачўлдаги ишлаб чиқарувчи кучлардан самарали фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлагач, партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини тезроқ амалга ошириш учун курашда қишлоқ меҳнаткашлари эришган ютуқларни сўзлаб бердилар.

Пахтакорлар ўз нутқларида шуни кўрсатиб ўтдиларки, «оқ олтин» етиштиришни кўпайтиришнинг бирдан-бир резерви — янги ерларни ўзлаштиришгина эмас. Асосий вазифа — ишларни кенг қўламда комплекс механизациялаш, прогрессив агротехника усулларини қўлланиш, илғор хўжаликларнинг тажрибасини жорий қилиш асосида пахта ҳосилдорлигини оширишдир.

Пахтаорол ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Пахтаорол» совхози ҳаммага намуна бўлиши мумкин. Ана шу донгдор хўжаликнинг директори П. В. Лугин совхоз қандай йўллар билан ҳар йили пахтадан 30—35 центнер ҳосил олиб келаётганини гапириб берди.

Янгиер ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм», Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинград» колхозлари, Гулистон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Фрунзе номли колхоз ҳақли равишда юқори ҳосилли хўжалик деб ном чиқарди. Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Малик» совхозининг машҳур механизатор Жавод Кўчиев бошлиқ бригадаси ҳар центнер пахта етиштиришга сарфланаётган меҳнатни камайтириш йўли билан маҳсулот таннархини узлуксиз арзонлаштиришга эришмоқда. Тажрибали бригада бошлиғи минбарга чиқиб, ўз коллективи экишни юқори агротехника даражасида ва жуда қисқа муддатларда ўтказишга шай бўлиб турганлигини маълум қилди.

Фрунзе номли колхоз ўтган йили давлатга пахта сотиш планини Гулистон ишлаб чиқариш бошқармасида биринчи бўлиб бажарди. Колхоз раиси Ш. Эшонқулов ана шу хўжалик меҳнаткашларининг катта-катта планлари ҳақида гапириб берди.

Янгиер ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи С. Б. Бухоров ўз нутқида илғор хўжаликларнинг ютуқларини умумлаштириш ва кенг ёйиш зарурлигини айтди.

— Машина — пахтакорнинг вафодор дўсти ва кўмакчиси. Бунга биз ўз тажрибамизда қаноат ҳосил қилдик, — деди 6-совхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Инобат Охунова.

Инобат Охунова областдаги меҳнаткаш қиз-жувонларни қишлоқ хўжалиги техникасини чуқур ўрганишга, трактор ва пахта териш агрегатини дадил бошқаришга чақирди.

Киров ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Махтали» совхози пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчи Улбўсин Авезова ёш ватанпарварнинг бу чақириғига қўшилди.

Гулистон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Мирзачўл» совхозининг илғор бригада бошлиғи Г. Анорқулова ҳам ўз бригадасининг ишлари ҳақида, маҳсулот таннархини муттасил камайтиришга аҳд қилганлиги тўғрисида гапирди. «Пахтаорол» совхозининг машҳур механизатори, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Фотима Ўринбоева кенгаш қатнашчиларининг қарсаклари остида, кузда пахта териш машинасида 320 тонна «оқ олтин» теришга ваъда берди.

Гулистон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғанишер Юнусов деҳқоннинг шарафи ва ғоруномуси ҳақида эҳтирос билан завқланиб гапирди.

— Совет халқи коммунистик қурилишнинг ҳамма фронтларида зўр ғайрат билан ишлаётган ҳозирги давримизда, — деди «Пахтаорол» совхози Дзержинский бўлимининг бригада бошлиғи И. Усембетов, — биз, пахтакорлар эришган ютуқларимизга маҳлиё бўлмаслигимиз керак. Ҳозирги кунда катта-катта майдонларда мўл ҳосил етиштиришга эришмоқ зарур. Мен бошлиқ бригада аъзолари Ғанишер Юнусовнинг чақириғини қабул қиладилар ҳамда ўзлари ҳам 224 гектар ернинг ҳар гектаридан 43 центнер пахта бериш мажбуриятини оладилар.

«Ударник» совхозининг старший агрономи В. А. Канигин ана шу йирик ғаллакор хўжалик коллективининг ютуқлари ва режалари тўғрисида гапирди. Гулистон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Москва» колхозининг бригада бошлиғи А. Алимов маккажўхорининг чорвачиликни ривожлантириш учун бебаҳо аҳамиятга эга эканлигини айтди. Янгиер ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Пахтакор» совхозининг директори З. Саноқулов кўкламги экишга қандай тараддуд кўрилаётганлигини айтиб берди. Киров ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қизилқум» совхозининг директори С. Есимов чорвачиликни жадал ривожлантириш масалаларига кўпроқ тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Маҳмудов кенгашда нутқ сўзладилар.

Кенгаш қатнашчилари область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг 1963 йилги социалистик мажбуриятларини ғоят якдиллик билан қабул қилдилар. Етти йилликнинг бешинчи йилида давлатга 410 минг тонна пахта топшириб, бу билан 3.566 минг тонна «оқ олтин» учун Ўзбекистон меҳнаткашлари олиб бораётган курашга муносиб ҳисса қўшамиз, деб қарор қилдилар.

С. ҚАЛАНДАРОВ
(ЎзТАГ мухбири)

КОРХОНАЛАРДАН ХАБАРЛАР

ТАШАББУСКОР ЁШЛАР

ТОШКЕНТдаги 2-силикат-керамика буюмлари заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиллик топшириқни муддатидан бир ҳафта олдин бажариш учун ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар. Корхонада биринчи квартал ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани орттириб бажарилди. Керамика-сопол идишлар цехининг Ғулом Ашрапов ва Абдужалил Қаюмов бошлиқ коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган бригада аъзолари яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Меҳнатсеварлар суръатга-суръат қўшиб ойлик топшириқларни 110—125 процентдан бажаришаётир. Айниқса Н. Исматуллаев, З. Акромов, Д. Рустамова каби комсомол-ёшлар меҳнатда бошқаларга ибрат бўлишмоқда.

Х. ТЎЙЧИЕВ.

Етти йиллик беш ярим йилда

ЧИРЧИҚ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг Геннадий Климонтов раҳбарлик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари янги ташаббус бошлашди. Улар бригаданинг ҳар бир ишчиси смена нормасини 130 процентдан бажариш шиорини ўртага ташладилар.

Яқинда бригада етти йиллкининг тўрт йилидаги ишларига якун ясади. Топшириқ 126 процент бажарилибди. Демак, беш йилга белгиланган норма адо этилган! Т. Умаров, В. Карпенко, Т. Нишонов, Ф. Саъдуллаев ўртоқлар топшириқни муттасил орттириб адо этаётганликлари ва нуқул юқори сифатли маҳсулот тайёрлаётганликлари туфайли коллектив орасида ҳурмат-эътибор қозондилар.

Пешқадамлар бригаданинг ички имкониятлари ва резерврларини чамалаб кўриб, янги социалистик мажбурият олганликларини эълон қилишди. Улар етти йиллик учун белгиланган нормани узоғи билан 1964 йил 7 ноябрига қадар адо этишга сўз беришган.

П. АБЛАМОНОВ.

Мусобақа авжида

БЕКОБОД шаҳридаги ғишт заводи ишчилари меҳнатда яхши натижаларга эришаётирлар. Янги йилнинг ўтган ойлари топшириғи муваффақиятли бажарилди. Ҳозир апрель ойи планини ҳам муддатидан олдин адо этиш учун ўзаро социалистик мусобақа авж олмоқда.

Ўртоқ Ж. Тўрақулов мастерлик қилаётган смена ғишт пиширувчилари эришаётган ютуқлар диққатга лойиқ. Смена коллективи кунлик топшириқни 110-115 процентдан бажармоқда. Бунда Н. Золотарев, А. Мурадосилов, Г. Горпалева ўртоқлар бошчилигидаги бригадаларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Корхона меҳнатсеварлари фидокорлик билан ишлаб ҳар куни шаҳардаги қурилишларга қўшимча минглаб пиҳиқ ғишт жўнатиб туришибди.

Ж. ТЎРАҚУЛОВ.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

Сурияда комендантлик соати

НЬЮ-ЙОРК, 1 апрель (ТАСС). Бугун Сурияниинг бутун территориясида комендантлик соати жорий қилинди, деб хабар беради Дамашқ радиоси.

Сурия ички ишлар министрининг буйруғида комендантлик соатини жорий қилиш сабаблари кўрсатилмаган бўлса ҳам, деб хабар беради Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлиги, баъзи хабарларда айтилишича, мамлакатда Сурияни Миср билан бирлаштиришни ёқлаб чиқаётган Носир тарафдорлари билан Баас миллий партияси тарафдорлари ўртасида кўчаларда тўқнашувлар бўлиб ўтган.

ЭРОНДА ЕР ҚИМИРЛАДИ

ТЕҲРОН, 1 апрель (ТАСС). Кеча Эроннинг шимоли-шарқида зилзила бўлди. Сабзавор ва Исфахон шаҳарлари ўртасида жойлашган Хандажон қишлоғи батамом вайрон бўлди.

КПСС ПАРТИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитетининг секретари В. Н. Титов бошчилигидаги КПСС партия ходимлари делегацияси Польша Бирлашган ишчи партиясининг тажрибаси билан танишиш учун 1 апрелда Москвадан Польша Халқ Республикасига жўнаб кетди. Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Калининград область комитетининг биринчи секретари Н. С. Коновалов, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети идеология бўлими мудирининг ўринбосари А. Г. Егоров, Белоруссия КП Марказий Комитетининг секретари В. Ф. Шауро, Арманистон КП Марказий Комитетининг секретари Г. А. Тер-Газарянц, КПСС Ленинград саноат область комитетининг секретари А. П. Филиппов, КПСС Марказий Комитети бўлими секторининг мудири С. И. Колесников, КПСС Москва шаҳар Октябрь район комитетининг биринчи секретари А. С. Тюфаева, «Коммунист» журнали бош редакторининг ўринбосари И. П. Помелов бор.

Яхши ниятли ҳамма кишилар билан бирга

Қуролсизланиш ва тинчлик учун баҳорги умумхалқ кампанияси

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг чақириғига мувофиқ, планетамиздаги беш қитъанинг ҳаммасида халқларнинг тинчлик йўлидаги ҳаракати янги куч билан авж олмоқда.

Бу ҳаракатда совет тинчлик тарафдорлари қандай иштирок этмоқда? ТАСС мухбири С. Шишков Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг раиси ёзувчи Н. С. Тихоновга ана шу савол билан мурожаат қилди.

— Баҳор фаслида, жонли нарсаларнинг ҳаммаси бутун нужуди билан қуёшга интилаётган бир пайтда, — деди Н. С. Тихонов, — инсон учун тинчликнинг қанчалик қадрли эканлигини айниқса ўткир ҳис қиласан, киши. Шу сабабли Жаҳон Тинчлик Кенгаши ўзининг Мальмадаги (Швеция) кейинги мажлисида қуролсизланиш ва тинчлик учун кенг умумхалқ кампаниясини баҳорда ўтказишга қарор қилганлиги тасодифий бир ҳол эмас. Жаҳон Тинчлик Кенгаши Президиуми яхши ниятли кишиларга, инсоният тақдири учун ташвишланаётган кишиларга қарата чиқарган ўз мурожаатида уларни бу кампанияда актив қатнашишга ва ер юзида пайдо бўлган қора булутларни тарқатиб юбориш учун ҳамма чораларни кўришга чақирди.

Совет тинчлик тарафдорлари, бизнинг ҳамма жамоат ташкилотларимиз Жаҳон Тинчлик Кенгашининг мурожаатини қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Ҳозирги кунда Ватанимизнинг шаҳар ва қишлоқларида, саноат корхоналарида, қурилишларда, совхоз ва колхозларда қуролсизланиш ва тинчлик учун кураш баҳор кампаниясини қўллаб-қувватлаш юзасидан кўп кишилик йиғилишлар ўтказилмоқда. Йиғилишларнинг қатнашчилари якдиллик билан резолюциялар қабул қилмоқдалар. Улар ўз резолюцияларида совуқ урушни авж олдираётганларни, Европадаги ва бутун дунёдаги аҳволни янада мушкуллаштираётган ва кескинлаштираётганларни қаттиқ қораламоқдалар.

Биз апрель ойида Москвада жамоатчилик вакилларининг йиғилишини ўтказишни мўлжаллаганмиз. Бу йиғилиш совет тинчлик тарафдорларининг термоядро уруши хавфига қарши кураши масалаларига бағишланади.

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг президиуми Жаҳон Тинчлик Кенгашининг мурожаатини қўллаб-қувватлаб яқинда эълон қилган ўз баёнотида совет кишилари ана шу баҳор ойларида ер юзидаги ҳамма прогрессив кучлар билан биргаликда қуролсизланиш ва тинчлик учун кураш кампаниясида актив қатнашадилар, деб ишонч билдирди.

Шак-шубҳа йўқки, совет тинчлик тарафдорлари халқларнинг ядро урушининг олдини олиш йўлидаги тарихий курашига бу сафар ҳам ўз ҳиссаларини қўшадилар. Уларнинг қудратли овози инсониятни ядро фалокати гирдобига ташлашга ва кишиларни энг қадрли нарсасидан — ҳаётидан маҳрум қилишга уринаётганлар тепасида даҳшатли момақалдироқ бўлиб янграйди. (ТАСС).

1963 йил 1 апрель.

БИРМА ТАРИХИДА БИРИНЧИ МАРТА

РАНГУН, 1 апрель. (ТАСС). Мустақил Бирманинг бутун тарихи мобайнида бу йил Биринчи май байрами умуммиллий миқёсда ўтказилади.

Тайёргарлик комитети тузилди. Комитетга революцион кенгаш, ҳукумат аъзолари, шунингдек ишчиларнинг вакиллари киритилди.

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШ БОШЛАНДИ

ОЛОТ, (Бухоро области), 1 апрель. (ЎзТАГ). Ҳамма томондан қизлар билан қўршаб олинган Олот бугун Бухоро областининг бошқа районларидан, Тошкент, Самарқанд, Термиздан келган меҳмонларни кутиб олди. Меҳмонлар бу ерда ажойиб воқеани — Ўрта Осиёдаги энг йирик Аму-Бухоро канали трассасида катта ишларнинг бошланишини биргаликда нишонлагани келдилар.

Бу қурилишнинг иқтисодий аҳамияти ғоят катта. Канал Бухоро воҳасининг географиясини ўзгартириб юборади. Маълумки, бир вақтлар Зарафшон Амударёнинг бир ирмоғи эди. Эндиликда бу дарёларни қумлар бирбиридан ажратиб қўйган. Зарафшон суви Самарқанд ва Бухоро области далаларини суғориш учун батамом сарфланганлиги натижасида шундай ҳол рўй берди. Энди олимлар ва инженерлар ишлаб чиққан лойиҳага биноан, қурувчилар Амударё сувини Зарафшоннинг қуйи оқимида ишлаб турган ирригация иншоотлари томон бориб юборадилар.

Бу дадил идея қўйидагича амалга оширилади. Амударё қирғоқларидан қадимий Бухоро деворларигача секундига юз кубометр сув оқизадиган канал қазиб қиликади. Канал трассасида ўттизга яқин йирик гидротехника иншоотлари ва бошқа иншоотлар қурилади. Буларнинг энг каттаси — Ҳамза ва Қуйимозор насос станциялари қувват жиҳатидан мамлакатда ишлаб турган ана шу типдаги ускуналарнинг бошқа комплексларидан ўзиб кетади. Уникаль станциялар сув оқимини 60 метрдан баландроққа кўтаради ва Амударёдан Зарафшонга қараб оқуқа оқишга мажбур этади. Бу эса, янги ерларни ўзлаштириш ҳисобга олинганида, юз минг гектарга яқин пахта майдонларини суғориш ва ҳозир фойдаланилмаётган яйловларнинг уч юз минг гектарига сув чиқариш имконини беради.

Қурилишнинг миқёси ҳақида қўйидаги маълумотларга қараб мулоҳаза юритиш мумкин: Канал ўзанини, коллекторлар ва зовурларни қазиш учун қурувчилар 250 миллион кубометрдан кўпроқ тупроқни қазиб олишлари керак. Портлатувчилар икки миллион кубометрдан кўпроқ тоғ жинсларини портлатадилар, қурувчилар юз минг кубометрдан кўпроқ темир-бетон ётқизадилар. Бу ерда қудратли техника билан қуролланган тўрт ярим мингдан кўпроқ киши меҳнат қилади.

Ҳозир қурилишда канал ўзанини қазиётган экскаваторлар ишга тушди. Ўнларча бульдозер барханларни суриб бермоқда.

Қурувчилар ва область меҳнаткашлари вакилларининг Аму-Бухоро канали трассасидаги оммавий ишларнинг бошланишига ва Олот насос станциясини ишга туширишга бағишланган кенгашини Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Матчонов очди.

«Амубухараканалстрой» бошқармасининг бошлиғи инженер Н. Р. Ҳамроев тўпланганларга Бухоро ва Самарқанд областларидаги сув таҳқислигини кўп жиҳатдан тугатиши керак бўлган ана шу гидротехника комплексида бажарилиши керак бўлган катта ишлар ҳақида гапириб берди.

— Бу янги, йирик қурилиш, — дейди Ғиждувон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Ҳусанова,— Бухоро ерларини сувга сероб қилади. Биз қурувчилардан канални тезроқ қуришни илтимос қиламиз, колхозчилар эса Бухоронинг ҳосилдор ерлари севикли Ватанга кўпроқ пахта бериши учун ҳамма чораларни кўрадилар.



Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, бульдозерчи К. Жумаев сўзга чиқади. У ва унинг кўпгина ўртоқлари Олотга бошқа йирик қурилишларда орттирилган катта тажриба билан келишган.

— Биз ишни яхши бошлаб юбордик, — дейди у.— каналнинг дастлабки 10 километр ўзанини қазиб қўйдик. Бизларнинг ҳар биримиз иш суръатини жадаллаштириш ва Амударё сувларини пахта далаларига тезроқ етказиб келтириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз.

— Ҳозирги замон техникаси билан қуролланган кишилар қумлар орқали канал қазимоқдалар, — дейди электр линиялари қурувчи И. М. Сутягин. — Биз ҳормай-толмай меҳнат қиламиз. Ҳукумат топшириғини муддатидан илгари бажаришга ваъда берамиз.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов ва КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзладилар.

Кенгаш қатнашчилари баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ўртоқ Н. С. Хрушчевга мактуб қабул қилдилар ва бу мактубда далаларга сувни белгиланган муддатдан ярим йил илгари етказиб беришга аҳд қилганликларини маълум қилдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Е. С. Насриддинова, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат Г. Ф. Наймушин қатнашдилар.

РЕЗЕРВЛАРИМИЗ КОММУНИЗМГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН!

ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЙМОҚДА

Ҳар бир ватанпарварлик ташаббусининг истиқболи бўлади, у қанот боғлаб узоқ-узоқларга парвоз қилади. Тошкент экскаватор заводи техника зиёлиларининг машина тайёрлашга кетадиган меҳнат сарфини камайтириш юзасидан бошлаган ҳаракатлари ҳам бошқа корхоналарга ғоят тез тарқалди. Ҳозир областимизнинг неча ўнлаб корхоналари экскаваторчилар йўлидан боришмоқда.

Ҳар қачонгидек Чирчиқ саноатчилари бу гал ҳам янги ташаббусга биринчилар қатори «лаббай» деб жавоб беришди. Шу кеча-кундузда шаҳарнинг машинасозлари, химиклари ва металлурглари экскаваторчилар изидан боришмоқда. «Чирчиксельмаш», «Узбекхиммаш» заводлари инженер-техник ходимлари ишлаб чиқарилаётган ҳар бир машинага кетадиган харажатни камайтириш юзасидан зиммаларига конкрет мажбурият олиб ишламоқдалар.

Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва иссиққа чидамли металлар комбинати техника зиёлилари ҳам ажойиб ҳаракатдан четда қолишмади.

— Машинасозлар ташаббуси металлургларга тўғри келармикин?— Дастлаб янгиликка шубҳали кўз билан қаровчилар ҳам топилиб қолди. Комбинатнинг бир группа мутахассислари ташаббус байроқдорлари ҳузурига бориб келишди-ю, иш осон кўчди.

— Гап у ёки бу хил маҳсулот ишлаб чиқаришда эмас, балки ҳар бир инженер-техник ходимнинг масъулияти, коллектив олдидаги бурчи устида бормоқда,— деди партия ташкилотининг секретари Иван Степанович Гутов мазкур масала юзасидан чақирилган актив йиғилишида сўзга чиқиб.

Ўртага турли таклифлар ташланди. Йиғилиш иштирокчилари турли хомашёлардан тайёр маҳсулот олиш коэффициентини бир неча процент ошириш юзасидан конкрет мажбурият олишди. Ҳар бир инженер-техник ходим рационализаторлик ва ихтирочилик таклифи билан чиқиб, бу катта ишга ўз ҳиссасини қўшишга аҳд қилди.

Тушган таклифларни кўриб чиқиш учун бош технолог ўртоқ Г. Игнашов раҳбарлигида штаб тузилди. Штаб аъзолари таклифларни тезлик билан кўриб чиқишади, уни ишлаб чиқаришга жорий қилишга бевосита раҳбарлик қиладилар. Корхонада кўргазмали тахта ташкил этиб, ҳар бир ходимнинг ишини ҳисоб-китоб қилиб боришга келишилди.

Коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган 4-гидрометаллургия цехи инженер ва техниклари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун курашга салмоқли улуш қўшишга сўз беришди. Улар новаторлик таклифларини жорий қилиш туфайли металл ажратиш коэффициентини планда белгиланганидан анча ошириш йўли билан йил мобайнида корхонага камида 800 минг сўмлик фойда келтириш мажбуриятини олишди.

Штабга дастлабки қимматли таклифлар туша бошлади. Улар орасида 4-цех инженер ва техникларидан А. Назаров, И. Гутов, А. Кальков, Ш. Нуриддинов, Л. Краткевич ўртоқларнинг фильтрда қолган маҳсулотни регенерация йўли билан ажратиб олиш тўғрисида киритган таклифлари, айниқса, диққатга сазовордир. Бу янгилик ишлаб чиқаришга тадбиқ этилса, металлни ажратиб олиш коэффициенти пландагидан бир процент ошади ва корхона йил мобайнида тахминан 100 минг сўмлик фойда кўради.

Т. МИРҲОДИЕВ.

МЕДИЦИНА ИЛМИЙ МАРКАЗИ

Халқ соғлиги посбонлари ижодий интеллигенциямизнинг катта отряди ҳисобланади. Медицина ходимлари доим изланишда янгиликлар яратиш иштиёқи билан яшайдилар. Уларга малакали билим беришда Тошкентдаги врачлар малакасини ошириш институти муҳим ўрин тутади.

Бу илмий муассасада ҳар йили 1500 врач малака ошириди, медицина практикасининг муҳим томонлари билан шуғулланишади. Бу ер ёш медицина ходимларининг тажриба тўпловчи ўчоғига ҳам айланиб қолган.

Ўтган йили институтда 37 та узоқ муддатли ва 32 та қисқа муддатли курслар иш олиб борди. Курс машғулотларини СССР Медицина фанлари академиясининг корреспондент аъзоси И. Мусабоев, атоқли медицина арбобларидан Р. Абдуллаев, А. Саидаҳмедов, доцентлардан М. Комилов, М. Жамоловалар олиб бордилар.

— Институт ҳозир ўзининг еттита кафедрасига эга, — дейди хирургия факультетининг декани В. Жумаев, — буларнинг ҳаммаси бевосита касалхона ва клиникаларда иш олиб боради. Шаҳардаги 15-касалхона ва бошқа шифохоналарда ўз фаолиятини давом эттираётган кафедраларимиз иши мақтовга лойиқдир.

Институт ходимлари шаҳарда медицина бўйича кўпгина амалий ишларни бажаришляпти. Ўтган йилнинг ўзида илмий ходимлар кучи билан ўнлаб консультациялар уюштирилди. Профессор ва доцентлар эса меҳнаткашларга бепул консультация беришга ўтдилар.

Амалий иш билан бир қаторда илмий тадқиқотларга катта аҳамият бериляпти.

Уларнинг тематик планлари белгиланган. Айрим тадқиқотлар илмий ходимлар учун диссертация бўлиб хизмат қилди. Илмий тадқиқотларни муваффақиятли якунлаётган бир группа ходимлар ҳозирги кунда Москвада илмий ишларини давом эттиришмоқда.

Институт ҳузурида ишлаб турган соғлиқни сақлаш университети ҳам медицина фанини кенг пропаганда қилишда муҳим роль ўйнамоқда.

С. БЕКТЕМИРОВА.



Тошкент Давлат университетининг ҳисоблаш марказида бўлажак математиклар практик машғулотлар ўтказиб турадилар. СУРАТДА: механика-математика факультетининг 5-курс студентлари Карима ЖАЛИЛХОНОВА ва Назира РАСУЛЕВА университет ҳисоблаш марказида ишламоқдалар.

В. Сваричевский фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

КОНВЕЙЕРЛАШДИ

Пойтахтимизнинг собиқ мебель фабрикаларида кичик-кичик ойнасозлик цехлари бор эди. Бу цехларда меҳнат унумдорлиги паст эди. Бунинг устига тайёрланган ойналарнинг сифати қўнгилдагидек эмас эди. Бунинг сабаби ишлаб чиқаришдаги барча жараёнларнинг қўлда бажарилишида эди.

«Шарқ» мебель фирмаси ташкил этилгач бу ишларни ҳам анча яхши йўлга қўйиш имкони туғилди. Собиқ 4-мебель фабрикасининг ойнасозлик цехи базасида ягона цех ташкил этилди. Бу тадбир ишни анча юриштириб юборди. Кўпгина операцияларни механизациялаш имкони туғилди. Ойналарни сирлаш ва қуритиш учун учта конвейер ўрнатилди. Бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги деярлик икки баравар ошди. Ойналарнинг сифати беқиёс яхшиланди.

Ойнасозлик цехи коллективи ўз зиммасига юклатилган вазифани муваффақиятли бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Пардозловчилардан Муҳаммаджон Нурматов, Фёдор Галиханов, Таисия Будакова, бўёқчи Рая Олтибоева ва бошқалар меҳнатда ҳаммага ўрнак бўлишяпти. Улар конвейерлар қувватидан унумли фойдаланиш бўйича цехда бошланган ҳаракатнинг ташаббускорлари бўлишди. Смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этишяпти ва фақат сифатли маҳсулот бермоқдалар.

Т. НАЖМИЙ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ФОЛБИНЛАР СИРИ ФОШ БЎЛДИ

„Тошкент ҳақиқати“ материаллари муҳокамада

Катта клуб. Унда жуда кўп жамоат ваниллари тўпланишган. Мажлис очилишига ҳали вақт эрта бўлгани учун улар нималарнидир муҳокама қилишар, аҳён-аҳёнда клубнинг орқа томонида мулзам бўлиб ёнма-ён ўтирган уч аёлни бир-бирларига кўрсатиб улар тўғрисида фикр юритишар эдилар. Биз улар ёнига келиб гапларига қулоқ солдик:

— Фолбин деганлари ана ўшалар,—деди бир аёл нариқда ўтирган бояги аёлларни кўрсатиб.

Четда ўтирган тўларқоғдан келган кулча юзлиги Қурбон фолбин. Қотмадан келган кенсароғи Салом фолбин бўладилар. Рангги зоҳил, қотмадан келган ёшгинаси «қиз полбин».

— Рангини қаранг-а, ярим жон бўлиб қолибди, шўрлик,—деди бояги кампир.

Хўш, нима учун жамоат уларга бошқа назар билан қараяпти? Буларнинг айби нима?

Бу уч аёл Тошкент шаҳар «Ленинчи» маҳалласида истиқомат қилиб умрида ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаган, фолбинликдан келган дормад ҳисобига яшаб келишган. Бу текин оқиб келаётган пуллар уларнинг оила аъзоларига ҳам ёқиб тушса керак. Шу сабабли бирор кимса уларни бу йўлдан қайтаришга бўйни ёр бермади.

Бугун жамоатчилик ана шу давримизга номуносиб, ўтмиш сарқити ярамас фирибгарлинни таг-томири билан қуритиш ва уларнинг сирини фош қилиш учун бу ерга тўпланган эдилар.

Президиумда маҳалла активлари ўтиришибди. Маҳалла комиссиясининг раиси ўртоқ Жалолов мажлисни очар экан, бугунги мажлисимиз «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 7 февраль сонида босилган «Эрингизни ишитиб бераман» сарлавҳали фельетонни муҳокама қилишга бағишланган, деди у.

Фельетон ўқиб берилгандан кейин сўз фолбинларга берилди.

— Қани, Қурбон фолбиндан эшитайлик, нега шу иш билан шуғулланаяпсиз, — деди мажлис раиси.

— Илгари бола-чақа касал бўлиб қолганида куф-суф қилиб, кинна солардим, кейин-кейин ром очадиган бўлиб қолдим. Қарасам мижозларим кўпайиб, назир-нузурлар ҳам анча-мунча тушадиган бўлиб қолди. Ёлғон гапириб уларни лақиллатаётганимни ўзим ҳам яхши тушунар эдим. Лекин улар келаберганидан кейин менга нима.

— Бу ишингизнинг одамларга қанчалик зарарига етказаётганини биляпсизми, сизларнинг дастингиздан қанчадан-қанча оилаларда тинчлик бузилди.

— Пулга маҳлиё бўлиб бу ишимнинг зарарига унча аҳлим етмабди, сизларнинг гапингизни эшитиб энди пушаймон қилаяпман. Сизлардан узр сўрайман. Иккинчи бу ишга қўл урмайман. Гапимга ишонаберинглар.

Иккинчи сўз фолбинларнинг фолбини Салом фолбинга берилди. Унинг гуноҳи катта. Шу сабабли у халққа тик қарай олмай нўзини яширишга уринаяпти.

— Қурбон тўғри айтди, деди у. Фолбинлик бўлмаган гап. Бировнинг дилидагини ким қаердан биларди дейсиз. Буни ҳамма тушунади-ку. Биз уларни чақириб келаяпмизми? Ахмоққа тўйтепа нима йўл деганларидек, ўзлари алла қаерлардан излаб келишади. Бизга нима, бир ёлғонда қирқ ёлғон деб тангасини олиб жўнатаверамиз-да. Эшитишимизга қараганда бизга келаётганларнинг ҳаммаси бекорчиликдан зерикиб нима қилишини билмай юрган ойимчалардир. Ана шуларнинг пайини қирқиш керак. Мен ҳам бугундан бошлаб бу иш билан шуғулланмаслигимга сўз бераман ва сизлардан кечирим сўрайман.

Араб отли «қиз фолбин» ҳамма гапни рўй-рост очиб ташлади.

Мен турмушга чиқиб фарзандим кўпаймади. Ўзим касалманд бўлиб қолдим. «Онангнинг париси сенга қўнибди, агар фолбинликни бўйнингга олмасанг, оқибати ёмон бўлади» дейишди кампирларимиз. Ишонибман, бўйнимга олибман. Ана шу кундан буён дутор билан ром очишни ўргандим. Келган-кетганга жоврайбериб касалим яна ҳам оғирлашди. Икки марта касалхонада ётиб чиқдим. Врачлар юрагинг ёмон, сенга тинчлик керак дейишди. Лекин ўрганган нўнгил, қўймади. Пулни кўзим қиймай яна фолбинликни давом эттиравердим. Қилмишимнинг ўзимга ҳам, бошқага ҳам қанчалик зарарли эканини сезиб турибман. Энди асло бу ишни қилмайман, деди у кўпчиликдан узр сўраб.

Сўзга чиққан маҳалла активларидан Файзулла Зикриллаев, Фаттоҳ Ортиқов, Ҳидой Йўлдошев, 199-болалар боғчасининг мудираси Тошхўжаева ва бошқа ўртоқлар фолбинларнинг қилмишлари, уларнинг баъзи оилаларга келтирган зарарлари ҳақида мисоллар билан гапириб бердилар.

Мажлис иштирокчилари буларнинг ифлос ишга қўл урмаслигини қаттиқ талаб қилдилар ва улар устидан доимий контроль қилиб туришни маҳалла активларига топширдилар.

Фельетонда тилга олинган Қурбон фолбиннинг эри Тўрахўжа Бобохўжаев маҳалла комитетининг аъзоси бўлатуриб хотинини бу ярамас ишдан қайтармагани учун қаттиқ огоҳлантирилди.

Бу ёлғончилар эл олдида қилмишларидан тавбаҳ едилар, жамоат уларнинг кўзини очди, афсуски шундай муҳим йиғилишда маҳалла активининг таклифига қарамай Октябрь район ташкилотларидан биронта вакил иштирок этмаганлиги бизни таажжублантирди.

З. АХТЯМОВА.

БАЙРОҚДОРЛАР

Фабрикамизнинг механик, мастер ва созловчилардан иборат бир группа ижодкорлари ҳамкорликда изланиб, попоқ цехидаги барча машиналарда мавжуд бўлган эски кичик ғалтакларни янги катта ғалтаклар билан алмаштиришди. Натижада цех ишлаб чиқариш кўрсаткичи анча яхшиланди, иш унуми ортди. Шундай қилиб, илгари ҳар ойда 1500 та сўзана тикилган бўлса, ҳозир 2500—3000 тадан тайёрлаб чиқарилмоқда.

Фабрикамиз меҳнатсеварлари ўтган йилнинг тўртинчи кварталидаги қувончли иш якунлари учун «Узглавбитэ»нинг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофотини олишга муваффақ бўлган эдилар. Байроқдор чеварлар етти йиллик бешинчи йилнинг топшириқларини ҳам муддатидан илгари бажариш ҳамда илғорликни сақлаб қолиш иштиёқида баракали меҳнат қилмоқдалар. Фабрикамиз бўйича ўтган ойлар планини ортиғи билан адо этилди, қўшимча мингларча сўмлик палак, чойшаб, кирпеч, гулкўрпа сингари турли хил бадиий каштa буюмлари тайёрланди.

Хайри Собирова ва Ҳамида Шоюсупова ўртоқлар мастерлик қилаётган сменаларнинг коллективлари йиллик планни муддатидан олдин бажариш юзасидан бошланган социалистик мусобақа пешқадамларидир. Улар фабрикамизда биринчилар қатори қўқонлик машҳур тикувчи Татьяна Кардаш ташаббусига қўшилиб, 7 соатлик ишни 6 соатда бажариш учун курашмоқдалар.

О. ЮСУПОВА

Тошкентдаги «8-март» бадиий каштачилик фабрикасининг тикувчиси.

«Таштекстильмаш» заводи ишлаб чиқарадиган йигирув машиналари чет элларда ҳам машҳур. Ўтган йили шу корхона марказ билан Польша, Руминия, Чехословакия, Венгрия, Миср ва бошқа мамлакатларга машиналар жўнатилган эди. Шу кунларда бу ерда Чехословакияга навбатдаги маҳсулотларни юборишга ҳозирлик кўрилмоқда. СУРАТДА: Клавдия РИБАКОВА машина деталлари солинган яшикларни маркаламоқда.

А. Горокрик фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

МАЙ ОЙИ ҲИСОБИГА

Оҳангарондаги 9-шахта «Средазуголь» комбинатининг пешқадам корхоналаридан ҳисобланади. Шахтада ишлаб чиқариш жараёнларини тиниқ механизациялаш, прогрессив технология ва илғор иш методларини кенг жорий қилиш туфайли ишлаб чиқариш топшириқлари мунтазам ортиғи билан адо этилаяпти. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида планда белгиланганидан ташқари деярли 17 минг тонна «қора олтин» қазиб чиқарилди.

Корхонада бошқа ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича ҳам юксак натижаларга эришилди. Масалан, меҳнат унумдорлиги топшириқдагига қараганда 8,2 процент ошди. Маҳсулот сифати эса яхшиланмоқда. Кўмирнинг қуллигини камайтириш катта иқтисодий фойда бераяпти. Бундан ташқари, ишлатилган ёғоч устунлардан қайта фойдаланиш тобора кенгайиб бормоқда. Ана шулар туфайли ўтган ойлар ичида 28 минг сўмлик давлат маблағи тежаб қолинди.

Коллектив эришаётган бундай ютуқларда 3 ва 4-участка шахтёрларининг хиссаси катта. Улар корхона бўйича пешқадамлик қилишаяпти, ҳар суткада пландагига қўшимча юзлаб тонна кўмир қазишга муваффақ бўлмоқдалар. Рўзибоев, Ҳасанов, Қосимов, Баскаков ўртоқлар сингари ўнлаб навалоотбойчилар самарали ишлашмоқда. Илғор иш методларини қўллаётган бу коллектив шу кунларда май ойи ҳисобига кўмир қазиб чиқармоқда.

И. АҲМЕДОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

МАДАНИЙ ХИЗМАТНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Областимиз меҳнаткашлари хўжаликнинг барча тармоқларини юксалтириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш тобора кўпаймоқда. Саноат ялпи маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми эса борган сари ортаётир. Кейинги йиллар ичида Оҳангарон ва Олмалиқ шаҳарларида йирик саноат корхоналари ва цехлар ишга туширилди.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорлари асосида халқ хўжалигига партия раҳбарлиги қайтадан қурилди. Шу муносабат билан меҳнаткашларнинг энг оммавий ташкилоти бўлган касаба союзлар ҳаётида ҳам жиддий ўзгаришлар бўлди. Касаба союз органларининг структураси қайтадан қурилди. Хўжаликка конкрет раҳбарлик қилишни таъминлаш максадида областимизда кишлок ва саноат область касаба союзлар совети ташкил этилди.

Маданият ходимлари область касаба союз комитети партия органларининг раҳбарлиги ва яқиндан берган ёрдамига таяниб касаба союз ташкилотларининг бутун фаолиятини меҳнаткашларга маданий ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, уларни коммунистик рухда тарбиялаш, аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни кучайтиришга сафарбар қилди.

Касаба союзлар ишини ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу жиҳатдан олганда область маданият ходимлари касаба союзлар советининг жойлардаги қуйи ташкилотлари кейинги вактларда ишлаб чиқариш билан янада чуқурроқ шуғулланаётганликларини таъкидлаш керак. Касаба союз ташкилотларининг раҳбарлари, маҳаллий комитет ҳамда фабрика ва завод комитетлари раислари, унинг активлари социалистик мусобақани намунали ташкил қилиш, ишлаб чиқариш корхоналарида илғор усулларни кенгроқ жорий қилиш масалаларига жиддий эътибор бермоқдалар.

Ҳозир областимиз саноат корхоналарида 50 мингдан ортиқ киши социалистик мусобақада иштирок этмоқда.

«Правда Востока»: «Қизил Ўзбекистон» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётида социалистик мусобақа айниқса намунали ташкил қилинган. Нашриёт фабрика комитети илғорлар тажрибасини кенг ёйишга жиддий эътибор бераётир. Бунда радиоузел ва деворий газеталардан яхши фойдаланилмоқда. Чирчиқ, Янгийўлдаги босмахоналарда, шунингдек Тошкентдаги «Фрунзевец» ва 1-босмахонада ҳам касаба союз ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган тадбирлар диққатга сазовордир.

Кутубхона ва маданият уйлари меҳнаткашларга маданий ва оммавий хизмат кўрсатишнинг энг яхши воситасидир. Маданият ходимлари аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий тадбирларни амалга ошириш бўйича анчагина ютуқларни қўлга киритдилар. Биргина ўтган йилнинг ўзида Тошкент шаҳрида 7 мингга яқин турли ташкилий тадбирлар амалга оширилди. Бунда 13,5 миллион киши иштирок этди. Ҳозир бадиий ҳаваскорлар гўгаракларида 20 мингдан ортиқ ёш талантлар бор. Улар ўтган йили аҳолига 600 дан ортиқ концерт қўйиб бердилар. 5 та маданият ва истироҳат парки СССР Маданият министрлиги ва «Известия» газетаси редакцияси уюштирган Бутуниттифоқ кўригида иштирок этиб юқори ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Шунисн кувончлики, областимизда жамоатчилик асослари тобора ривожлантирилмоқда. Бу соҳада маданий муассасаларда ҳам анчагина ишлар қилинди. 20 кутубхона, 1 та музей, бир неча клуб, 1 та халқ филармонияси ва консерваторияси, 13 та халқ театри, 30 дан ортиқ маданият университети ҳозир жамоатчилик асосида иш олиб бормоқда. Тошкент, Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод ва Оҳангарон шаҳарларидаги касаба союз ташкилотлари жамоатчилик асосларини янада ривожлантириш учун астойдил иш олиб бормоқдалар.

Санъат ходимлари моддий бойликлар яратаётган меҳнат аҳлларига муносиб хизмат кўрсатиш, саҳнада замондошларимизнинг чиннакам образини яратиш йўлида ижодий меҳнат қилмоқдалар. Кишиларни коммунистик рухда тарбиялаш, совет кишиларининг меҳнатини улуғловчи асарлар концерт ва театр ташкилотлари, шунингдек радио ва телевидение комитетлари репертуаридан кенгроқ жой олмоқда.

Лекин маданий муассасалар ишида ҳам жиддий камчиликлар бор. Маданий муассасалар партиямиз томонидан қўйилган талаблар даражасида ишлаётир деб бўлмайди. Жойлардаги касаба союз ташкилотлари кўпинча маданий хизмат кўрсатишни бирор концерт кўрсатиш ёки кинофильм намойиш қилишдан иборат деб тушунадилар. Бу тўғри эмас, албатта. Кишиларнинг шахсий ҳаёти билан қизиқиш, моддий бойликлар яратаётган ишчиларни маънавий жиҳатдан рағбатлантиришда касаба союз ташкилотлари катта роль ўйнашлари лозим.

Тошкентда бўлиб ўтган идеология ходимларининг Ўрта Осиё кенгашида янги авлод кишисини тарбиялашдек, муҳим вазифа билан ҳали ҳам етарли шуғулланилмаётганлиги қайд қилинди.

Областимиз маданият ходимлари касаба союз ташкилотлари ўзларининг бундан кейинги фаолиятларини идеология ишларини яхшилаш, аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий тарбиявий ишларни намунали ташкил қилишга қаратмоқлари лозим.

У. КЕНЖАЕВ,

Тошкент область маданият ходимлари касаба союзлар комитетининг раиси.

ИЖОДКОРЛАР

Эндиликда фақат унумли меҳнат қилиш билан чегараланиш кифоя эмас, шу билан бирга ижодий изланиш ҳам олиб бориш керак. Коммунизмнинг моддий-техника базаси яратилаётган давримизнинг талаби шу. Олтинтопган кон-металлургия комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ана шу талабнинг моҳиятини яхши тушунадилар. Шу туфайли ҳам бизда ижодий изланиш билан шуғулланаётган рационализатор ва ихтирочилар сафи тобора кенгайиб бораяпти. Ҳозирги вақтда уларнинг қаторида мингга яқин турли касб эгалари бўлган кончилар бор. Фақатгина ўтган йили 800 та таклиф билан чиқишди, улар. Шуларнинг 600 га яқини ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Натижада 400 минг сўмликдан кўпроқ фойда кўрилди.

Тиниб-тинчимасларимиз бу йил ҳам ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган таклифлар билан чиқмоқдалар.

Мис саралаш фабрикасининг слесарлари Пригов ва Козлов ўртоқлар 12 ГР-8 типидаги насосларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф билан чиқишди. Бу таклиф насосларнинг ишлаш муддатларини анча узайтириш имконини беради. Капитал қурилиш бошқармасининг старший маркшейдери ўртоқ Курочкин конларда тўпланиб қолган сувларни четга чиқариб ташлашнинг анча такомиллашган схемасини тузди. Ишнинг шу схема асосида ташкил этилиши сувни чиқариб ташлаш трубаларининг узунлигини 742 метр камайтириш ва ер қазиш ишларини кескин қисқартириш имконини берди. Натижада бир неча минг сўм тежаб қолинди. Қалмоққир конининг слесари ўртоқ Сенин 0,2 дан 4 миллиметргача диаметрли симларни ўраш учун станок яратди. Натижада симларни ўраш жараёни тўла автоматлашди. Меҳнат унумдорлиги эса анча ошди.

Ижодий изланишда қўрғошин руҳ саралаш фабрикасининг слесарлари Макаров ва Александров, Қалмоққир конининг слесари Шлюхин ва бошқалар ҳам актив иштирок этишмоқда. Улар киритган таклифларнинг амалга оширилиши комбинат коллективи эришаётган ютуқларнинг янада салмоқли бўлишига ёрдам беряпти.

А. ПАВЛЕНКО,

Олмалиқдаги Ленин номли кон-металлургия комбинатининг ходими.

НОВАТОР ОЛИМ

Кўз—кўриш аъзоси. У инсон учун, унинг яшаши учун жуда зарур. Чунки, инсон кўз орқали борлиқни кўради.

Ҳа, «кўз» сўзи олий ибора-дир. Бу соҳа медицина фанининг муҳим объектларидан бирига айланган. Кўриш аъзоси—кўз билан медицинанинг офтальмология билими бевосита шуғулланиб келмоқда. Кишиларнинг кўриш қобилиятини мустаҳкамлаш, кўзнинг хираланишига қарши курашиш борасида талайгина илмий-тадқиқотлар қилинди. Кўзнинг хавфли касаллиги—трахома тугал битирилди.

Аммо, бу соҳада ҳали кўп ишлар қилиниши лозим. Окулист олимлар кўп «жумбоқлар»ни ечишлари даркор.

Кўз касалликларини даволаш иши Ўрта Осиё шароитида ўзига хос хусусиятга эга. Ёзда куннинг исиб кетиши, қуёшнинг ўткир нури албатта кўзга таъсир қилади. Шунингдек, терлаш натижасида чанглар тер аралаш кўзга оқиб тушиб, кўз қинларига ўтириб колиш эҳтимоли бор. Бунинг натижасида кўзнинг қовоғи хатто яллиғланади. Кўз оғриги, кўз сили касалликларига мубтало бўлиш ҳеч гап эмас.

* * *

Кўз касалликларининг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳада самарали ишлар қилаётган мутахассислар орасида кўплаб ўзбек олимларини ҳам учратиш мумкин. Муҳаммаджон Комилов ҳам моҳир окулист олим сифатида танилган. Олим кейинги тўқ-беш йил ичида 15 мингдан ортиқ хаста кўзларни операция килди ва даволади.

Истеъдодли фан соҳиби М. Комилов хозир Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кўз касалликлари кафедрасининг мудири вазифасида ишлаб келаётир.

Окулист олим катта ҳаёт тажрибасига эга. У вақти келганда ҳаво тез ёрдамида беморлар олдига тезлик билан етиб бориб, хаста кўзларга чарогонлик бағишлайди.

Кўпчилик доцент М. Комиловни новатор олим сифатида ҳам билади. У пенициллин, синтомицин, стрептомицин каби препаратлардан шифо воситаси сифатида фойдаланиш мумкинлигини амалда исботлаб берди. Кўз оқини республикамиз шароитида академик Филатов методи бўйича даволашнинг кенг йўлга қўйилишида бу олимнинг хизмати катта бўлди.

Бу ўринда бир мисолни айтиб ўтиш максадга мувофиқдир. С. Бобров исмли бола онадан кўр ва соқов бўлиб туғилади. Кўзни очиш максадида болани Комилов ишлаётган клиникага ётқизишади. Дастлаб олим унинг бир кўзини операция қилади. Бола ёруғ дунёни кўра бошлайди. Шуниси қувонарлики, кўзи очилиши билан у тилга ҳам кира бошлайди. Кейинчалик унинг иккинчи кўзи ҳам муваффақиятли операция қилинди. Хозир боланинг икки кўзи яхши кўради.

Ўртоқ М. Комилов жамоат ишларига ҳам актив қатнашиб келади. У офтальмологлар республика жамиятининг раиси, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузурида ташкил топган Иттифоқ офтальмология комиссиясининг аъзоси бўлиб ишлаяпти.

Атоқли олим хозирги кунда «Кўз травмасининг профилактикаси ва уни даволаш методлари» деган темада докторлик диссертациясини ёзаяпти. Бу катта илмий иш тугалланди ҳисоб.

М. УМАРОВ.

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Врач қабулхонасида дард азобини чекаётган бетоб Мирза Усмоновичга зўр умид билан боқарди. Мирзаака беморни диққат билан текшириб. Дарди оғир. В. исмли бу студент стационарга шифоланишга қабул этилди. Орадан кўп ўтмай бетоб дард кўрмагандай тузалиб кетди...

«... Раҳмат Мирза Усмонович, катта раҳмат»...

Бу миннатдорчилик сўзлари таклифлар дафтарига ёзилган эди. Дафтарни кўздан кечирар экансиз, юқоридагига ўхшаш миннатдорчилик билан тўлиб тошган, юрак ҳарорати, меҳри билан битилган сўзларни ўқийсиз.

Ҳа, Мирза Мирсоатов ўзининг бутун умрини инсон саломатлиги, бахт-саодати учун бағишлаган йирик, мазмунли ижодий ҳаёт йўлига эга бўлган иродали, фикрижикри одамлар муҳаббати, севгиси билан банд катта қалб эгасидир.

— Кўп кўрган, кўп билади деган гап бечиз айтилмаган экан,— дейди Мирза Усмонович,—диққат билан кузатиш, изчиллик, ўқиш, янгиликлардан чўчимаслик, буларнинг ҳаммаси врач учун, олим учун жуда катта аҳамиятга эга. Қаерда хизмат қилмай, ягона бир мақсад билан, қандай қилиб беморлар жонига оро кириш орзусида яшайман...

Мирза Усмонович Улуғ Ватан урушидан сўнг шаҳримизнинг врачлар малакасини ошириш институтида фаолият кўрсатди. 1951 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон тери-таносил институтида ишлаб келмоқда.

Врачлар ва фельдшерлар учун мўлжаллаб ёзилган «Кичик урология», «Оғир таносилни сульфидин эмульсияси билан даволаш», «Буйрак касали» каби илмий асарлари тери-таносил касалини қандай қилиб даволашга бағишланган.

Мирза Усмонович кейинги йилларда «Тери-таносил касалидан сақланиш йўллари», «Тери-таносил касали» каби илмий асарлар ёзди. У шу кунларда «Буйракда биселликнинг пайдо бўлиш сабаблари» темаси устида илмий-текшириш ишларини олиб бормоқда.

Т. МАҲМУДХЎЖАЕВ.

ҲОЗИРГИ МЕҲНАТ—КУЗДАГИ РОҲАТ

КЎЧАТ ЭКАЙЛИК!

Областимизнинг табиий-иқлим шароитлари яқин йиллар ичида мева, узум, ёнғоқ мевали дарахтлар ҳосили етиштиришни янада кўпайтириш имконитини беради. Бунинг учун кўчатларни кўплаб экиш, уларни яхшилаб парвариш қилиш зарур.

Областимизнинг тоғлик районларида ёнғоқ мева берадиган ёввойи дарахтлар экилган катта-катта майдонлар бор. Бу дарахт кўчатларининг маданий навларини яхшилаш, уларни кўпайтириш туфайли аҳолини мева, узум ва ёнғоқлар билан мўл-кўл таъминлаш мумкин.

Боғ, токзор ва бошқа кўчатларни турли табиий офатлардан асраш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Бу вазифаларни ҳал қилишда ҳар йили баҳор ва куз ойларида «Боғ ва ўрмон ойликлари»ни ўтказиш муҳим роль ўйнайди. Бу ойликларда аҳоли тобора кўпроқ иштирок қилмоқда, ўн миллионлаб туп мевали дарахт — ёнғоқ, тут ва бошқа хил дарахт кўчатлари ўтқазилмоқда.

Боғлар, токзорлар, ўрмон ва тутзорлар майдонини янада кенгайтириш мақсадида шу йилда ўтказиладиган «Боғ ва ўрмон ойлиги»да колхоз ва совхозларда баҳорги экиш мавсумининг бошланишига қадар кўчат экиш ишларини тугаллаш лозим бўлади.

«Боғ ва ўрмон ойлиги» даврида 7725 минг туп кўчат экилиши, жумладан мевали дарахт кўчатларидан 5183 минг туп, тут кўчатидан 1051 минг, 10к кўчатларидан 1097,5 минг туп, ўтқазилиши лозим. Бу вазифа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармаларига, суғориш, автомобиль, коммунал, ўрмон, табиатни муҳофаза қилиш хўжаликларига, область соғлиқни сақлаш, маориф бўлимларига, Тошкент темирйўл бўлимига, халқ хўжалиги кенгашларига қарашли совхозларнинг раҳбарларига, ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетларига, район партия комитетларига, ишлаб чиқариш бошқармалари, колхозлар, совхозлар, ўрмон хўжаликлари ҳамда бошқа корхона ва муассасалар зиммасига юкланади.

Кўчат ўтқазиш ишларининг ўз вақтида сифатли қилиб олиб борилиши учун зарур бўлган барча ташкилий ва тайёргарлик чораларини кўриш лозим. Бунда суғориш тармоқлари атрофига мевали дарахт кўчатларини ўтқазиш, сув омборлари атрофини кўкламзорлаштириш, шаҳар ва аҳоли яшайдиган бошқа пунктлар атрофида яшил зоналарни яратиш ишларига алоҳида эътибор берилиши зарур.

Илгари ўтқазилган дарахтзорларни, токзорларни, ўрмон ва тутзорларни ўз ҳолига ташлаб қўймасдан, уларни доимо парвариш қилиб бориш, ўз вақтида суғориш, туғи офатлардан муҳофаза қилиш даркор.

Ўрмон хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича область бошқармаси кўчат экишнинг аҳамиятини пропаганда қилиш мақсадида областнинг барча ўрмон хўжаликларида нодир ўрмон дарахтлари (қарағай, чинор, дуб ва ҳоказолар) дендрарийлар, мевали дарахт ва атргул экилган коллекцион участкалар барпо қилишга аҳамият бериши керак. Ўрмон хўжаликларида маданий сортларни ёввойи мевали дарахтларга пайванд қилиш талаб қилинади. Шу йилнинг баҳор ойларидан бошлаб Тошкент денгизи атрофини кўкламзорлаштириш ишларини бошлаб юбориш зарур.

Ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари, район ижроия комитетлари, посёлка ва қишлоқ Советлари район марказларида, ишчи посёлкаларида, аҳоли яшайдиган пунктларда кўчатларни кўнгилдагидек ўтқазишни ташкил қилишлари, бу ишга аҳолини жалб қилишлари лозим.

Табиатни муҳофаза қилиш ва кўкламзорлаштириш жамияти Тошкент область бўлими Президиуми жамиятнинг ҳамма аъзоларини «Боғ ва ўрмон ойлиги»ни ўтказишда актив иштирокини таъминлаши, кўчат экишни матбуот, радио ва телевидение орқали пропаганда қилишни ташкил этиши зарур. «Боғ ва ўрмон ойлиги»ни ўтказишда касаба союз, комсомол, пионер ташкилотлари ҳам қатнашишлари лозим.

ЭСИЗ ЎҒИТЛАР

Сўз станциядан ўз муддатида ташиб олинмаётган минерал ўғитлар устида борарди. «Узсельхозтехника» Янгиер район бўлими омборининг мудири ўртоқ Н. Зокиров қуюниб гапирарди:

— Бу қанақа гап ахир! Колхоз раҳбарларига ўғитни олиб кетинглар, деб икки марта телефон қилдим, ҳатто бориб айтдим. Барибир пинак бузишмайди.

Суриштириб билсак, унинг куйинганича бор экан. Карл Маркс номли колхозга юборилган 60 тонна суперфосфат Урсатьевск станциясида шу йилнинг 4 мартидан буён очиқда ёмғирда ивиб, қаттиқ шамолда чор-атрофга тўзиб ётибди. 16 мартда келтирилган 60 тонна суперфосфат ҳам ўз вақтида ташиб олинмади. Бу эса станцияда бошқа юкларни туширишдаги ишларига ҳалал беряпти. Бундай ҳол биринчи марта рўй бераётгани йўқ. 1962 йилда мазкур колхоз номига жўнатилган 63 тонна аммиак селитра, 3 вагон суперфосфат 59-разъездда неча ойлаб ётган, хўжалик бунинг эвазига 300 сўм штраф тўлаган эди.

Бунинг сабаби нимада? Балки транспорт воситалари етишмас. Йўқ, асло ундай эмас. Мана, кичик бир ҳужжат: хўжаликнинг 20 дан ортиқ юк автомашинаси бор. Тўғри, уларнинг 2 таси колхоз раиси С. Шукуров ва партия ташкилотининг секретари Т. Донаев ўртоқларнинг измида, яъни енгил машина хизматини ўтаяпти. Қолганлари нима иш билан машғул? Бунисни бизга қоронғу. Лекин шу нарса маълумки ўтган йили мавжуд автотранспорт билан колхозда 11.800 ўрнига 3.882 машина куни ҳажмида иш бажарилган ёки бошқача қилиб айтганда, жами машиналарнинг 75 процента бекор турган эди. Қисқаси, колхозда транспорт етишмаяпти, дейишга асос йўқ. Лекин афсуски, ўғит барвақт ташиб олинмади, унинг кўплаб нес-нобуд бўлишига йўл қўйилди. Колхоз раҳбарлари эса парвои-палак юришибди. Мабодо яна штраф тўланадиган бўлса, билишадики, пул ўзларининг чўнтакларидан эмас, колхоз кассасидан чиқади.

Станция омбор эмас! Бу гапни «Узсельхозтехника»нинг Гулистон район бўлими раҳбарлари темир йўл ходимларидан жуда кўп марталаб эшитишган... Кези келганда неча минг сўмлаб жарима ҳам тўлашган. Бироқ ҳамон ўзгариш кам. Масалан, 91,2 тонна цианамид кальций, 57 тонна кремновтористий 1960-61 йилдан буён, 94 тонна дуст эса 1962 йилнинг ноябрь ойидан бери ғарам бўлиб турибди. Маълумотларга қараганда ана шу цианамид кальций эндиликда дефолиация учун яроқсиз.

Омбор ва бостирмалар заҳарли дорилар билан банд бўлганлигидан минерал ўғитни очиқ ерга тўкиб кетишяпти. Гулистон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Қаҳрамон Аҳмедов номли ва «Коммунизм» колхозларига тегишли 180 тонна суперфосфатнинг анчагина қисми лой ва тупроққа қоришиб кетган. Омбор мудири ўртоқ А. Г. Шоровдан бу ўғитнинг қачон келтирилганини сўрадик.

— Уч-тўрт кун бўлди,— деди у.

— Бўлмаса нега бунчалик намиқиб қолибди?

— Ҳаводан нам тортган-да!

Ҳақиқатда эса бу суперфосфатнинг ярмидан сал озроғи шу йил март ойининг бошларидан буён яланг жойда турибди, қор ва ёмғир остида қолган. Мудир нега ростини айтмади? Чунки у, «ўғит нобуд бўлаяпти-ку, уни вақтинча сақлагани пана, қулайроқ жой йўқми?» деган навбатдаги саволга жавоб беришдан ожиз эди.

Сирдарё станциясида ҳам аҳвол бундан ўзгача эмас.

Омбор мудири ўртоқ М. Исломовга «ўғитлар бу аҳволда ярокси бўлиб қолади-ку» дедик: у «ҳа, энди, унда-бунда шунақаям бўлади-да» деди. Исломовдан бош ҳу нарироқда тупроққа қоришиб ётган ва 2-3 йилдан буён олиб кетилмаган суперфосфатнинг қанчалигини суриштирганимизда, у «қайси хўжаликнинг эканлигини ҳам билмайман, 40-50 тонна бўлса керак» деб айтган эди.

Кўрдингизми, тонналар оғизнинг бир чекасидан чиқиб кетяпти.

Маълумки, минераль ўғитлар ёмон шароитда сақланганда қисман ёки тамомила зичлашиб қолади, намиқади ва умумий ҳажми ортади. Ўғитнинг физик хусусиятлари ўзгарганда сўзсиз, химиявий таркиби ҳам ўзгаради, озиқа моддалари миқдори, албатта камаяди.

Лекин Сирдарё ирлаб чиқариш бошқармасидаги «Победа» (раиси Синдаров), Ҳамза номли (раиси А. Маматқулов), Ленин номли (раиси Н. Йўлдошева) колхозлар ҳамда «Гулистон» (директори М. Ғаниев), «Социализм» (директори Муҳаммаджонов) совхозлари ўзларига тегишли ўғитнинг ақалли 30-35 процентини ҳам ҳалигача станциядан ташиб олганлари йўқ. Бу хўжаликларга тегишли суперфосфат ва калий ўғитлар очиқ жойда тўкилиб, сочилиб ётибди. Шунингдек Велико-Алексеевск, Бекобод станцияларида ҳам аҳвол ана шундай ташвишли.

Э. ОТАБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ПИЛЛАЧИЛАР БАҲОРИ

Намиқиб шудгорлар узоқдан кумушсимон жилваланади. Енгил қанот қоқаётган баҳор шабадаси дилларга ором бағишлайди. Лентадек теникис саф тортган тут ниҳоллари яшил ямбос ниябошлаган.

Охунбобоев номли колхоз пилла-чилари қалбига ҳам баҳор янгича завқ — эҳтирос солган. Улар бу йил шаҳрисабзликлар чақиригига қўшилиб, мўл пилла етиштириш тараддудини кўраётирлар.

Ҳозиргача колхозда сўнчаклар, қоғоз, кўмир ва нурт боқиш учун зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммасини етарли миқдорда тайёрлаб қўйилди. Кувончлиси шуки, колхозда 50 қути қурт уруғи боқиш учун махсус қуртхона қурилиши жадал олиб борилмоқда. Уни бу йил ишга туширишга мўлжалланган.

Колхозда ўтган йили ҳам пилла тоқ-шириш плани ортиғи билан бажарилди. Сўнгги икки йил ичида давлатга топширилган қўшимча маҳсулот миқдори 3 минг 575 килограммни ташкил этди. 1961 йилга қараганда бултур ҳар қути пилла қуртидан олинган ҳосил 11 килограммга ошди.

Хўжалигимизнинг бошқа соҳалари қатори, — дейди колхоз раиси ўртоқ С. Раҳматуллаев, пиллачилик ҳам сердаромад тармоқлардан бири бўлиб қолаётир.

Дарвоқе, пиллачиликдан олинаётган даромад йил сайин ошиб бормоқда. Кейинги икки йилнинг ўзидаёқ колхоз қўшимча пилла маҳсулоти ҳисобигагина 6041 сўм даромад қилди.

Даромад бир томондан қўшимча маҳсулот топширишни кўпайтириш ҳисобига ошаётган бўлса, иккинчидан маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига ошиб бораяпти. Ўтган йили 1 килограмм пилланинг таннархи 3 сўм 75 тийинга тўғри келди, бу 1961 йилдагига нисбатан 0,95 сўм камдир.

Пиллачиларнинг бу йилги режалари юксак. Улар қурт боқишнинг биринчи мавсумидаёқ 160 қути қурт боқиб, давлатга пландаги 9600 килограмм ўрнига 10 минг килограммдан ошириб эъло сифатли пилла топширишга аҳд қилишди. Бир килограмм пилла таннархи эса 3 сўмга туширилади.

Бунинг учун колхозда қуртларнинг озуқа базаси — тутзорларни парвариш қилишга катта эътибор берилмоқда, тутзорлар кенгайтирилмоқда. Бу йил тутзорлар 10 гектарга кенгайди. Ариқ бўйларига 50 минг тупдан ортиқроқ янги тут кўчатлари ўтқазилди, мавжуд тут плантациялари механизмлар билан юмшатилиб, суғориб қўйилди, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилди.

Колхоз пиллачилари пилладан мўл ҳосил олишнинг «сир»ларини билиб олишган. Бу ерда ипак қуртлари барги яхши етилган, шираси кўпайиб тўйимли бўлган вақт — апрель ва май ойлари ўрталаригача бўлган давр ичида боқилади. Ёш қуртларга юқори шохларнинг баргини бериб бўлмайди, чунки бу барглари ёш қуртлар яхши ҳазм қила олмайди. Шунинг учун моҳир пиллачилар тут дарахтларидан қуртларнинг ёшига қараб, тежаб-тергаб фойдаланишади: кичик ёшдаги қуртларга тут дарахтининг пастки қисмидаги, катта ёшдагиларига эса юқори қисмларидаги барглар қирқиб солинади.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги бу колхозларда етти йиллигининг бешинчи йилида ҳам мўл пилла ҳосили етиштириш учун барча тадбирлар амалга оширилмоқда.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

СОҲИБКОРЛАР

Майин эсаётган баҳор шабадаси соҳибкор отахонларнинг чақ-чақлашиб кулишганини узоқ-узоқларга олиб кетади. Отахон соҳибкорлар катта боғ оралаб олма шохларини пархишлар, кесилган ерларини яна бир бор кўздан кечирар, шундан кейингина кўнгиллари жойига тушиб бошқа ишга қўл урар эдилар...

Калинин районидаги «XXI партсъезд» совхозининг 30 кекса соҳибкордан ташкил топган Рихси Ҳасанов бошлиқ бригадаси боғбонлари ўтган йили 5 гектар ердаги ёш олма дарахтларидан 21 тоннага яқин ҳосил узишган эди.

— Бу йил, — дейди ўртоқ Рихси Ҳасанов, — 85 гектар олманинг 12 гектари ҳосилга киради. Мақсадимиз — эл дастурхонига 50 тонна олма етказиб бериш. Боғбонларимиз олмазорни яна 5 гектарга кенгайтиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Бригададаги бу кекса соҳибкорлар зиммадаги мажбуриятни бажариш учун шу қизғин кунларда унумли меҳнат қилишмоқда. Улар олмазорда дарахтлар тагини юмшатиш, қатор ораларини ҳайдаш, олма туплари тагига ўғит солиш ишларини жадаллаштириб юбордилар.

Соҳибкорлар 19 гектарлик узумзорда ҳам ишни қизитиб юбордилар. Ишком ораликлари ҳайдалиб, занг таглари ишланмоқда. Токларга сўрилар ясаш кўнгилдагидек бораяпти. Хуллас, бу йил узумдан 60 тонна ҳосил етиштириш учун пухта замин тайёрланмоқда.

Тиним билмас соҳибкор отахонлардан 60 ёшли Ҳожимат ота Аҳмедов, 64 ёшли Қурбон ота Зокиров, 55 ёшли Ҳусанбой Алиев ва уларнинг шогирдлари — бўлажак боғбонлар Шамсиддин Ҳамдаммуродов, Қўзибой Алимов, Ўсмон Абдусалимов ўртоқлар мўл-кўл мева ҳосили ғамида бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

И. РУСТАМОВ.

1. Сара уруғ эксанг сара ҳосил оласан, дейди тажрибанор деҳқонларимиз. Бунга амал қилган Оққўрғон районидаги Киров номли колхоз пахтакорлари майдонларга экиладиган уруғлиннинг саралланган бўлишига жиддий эътибор бермоқдалар. СУРАТДА: инженер Б. УСЕРОВ, колхоз раиси Д. МИХАЙЛИЧЕНКО ва механик М. ПОЛУГАРОВ ўртоқлар экиш олдидан уруғлиннинг сифатини текшириб кўраётирлар. 2. Хўжаликларда чигит экиш бошланди. Квадрат уяларга бу йилги «оқ олтин» ҳосилининг дастлабки заррали тушабошлади. Кечагина чигит экиш кампаниясига киришган Оққўрғон районидаги пахтакор хўжаликлари экиш дала ишларини зўр уюшқоқлик билан бошлаб юбордилар. СУРАТДА: Киров номли колхозда чигит экиш пайти.

М. Шевелев фотолари.

МЎЛ ҲОСИЛ ИШТИЁҚИДА

Далаларда табиатнинг гўзал келинчаги — баҳор кезмоқда. У деҳқонларимизни шошириб қўйди. Мўл ҳосил хирмонини вуждга келтириш иштиёқида фидокорона меҳнат қилаётган пахтакорларимизнинг қўли-қўлига тегмайди. Биров «пўлат от»ини экиш мавсумига шайлаб, биров ерини семиртириш мақсадида далага гўнг ташиб чиқаряпти, яна биров пайкални текислаяпти. Ҳар куни редакциямизга қишлоқ мухбирларидан келаётган ўнлаб хат-хабарларда ана шу олижаноб меҳнат акс эттирилган.

Бекободлик ўртоқ **К. Бегмонов** ўз хабарига «Бригада чигит экишга шай» деб сарлавҳа қўйипти. Унинг ёзишига кўра, 1-«Далварзин» совхозининг 6-бўлимидаги илғор бригадаларнинг аъзолари чигит экиш кампаниясига тўла шайланибдилар. Бўлимнинг ўртоқ Н. Абубакиров бошлиқ бригадасида бу йил 88 гектар ерга чигит экилади. Бригада аъзолари етиштириладиган ҳосилнинг 90 процентини машиналар билан теріб олишга сўз беришган. Бунга эришиш учун машина теримига ҳозирданоқ пухта замин яратиляпти.

Шу районлик **А. Отабоев** бизга қуйидагича хабар қилган: «ўтган йили 2-«Далварзин» совхозида 63 киши механизаторлик курсини битириб чиққан эди. Ҳозир яна 25 киши механизаторлик касбини ўрганмоқда». Сирдарёлик механизатор ўртоқ **О. Анваровнинг** ёзишича, Т. Шевченко номли колхозда 35 киши ана шу ажойиб касбни эгалламоқда.

— «Октябрь» колхозининг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати ўртоқ Т. Аҳмедов бошлиқ бригадаси аъзолари, — деб ёзади ўртоқ **М. Жўраев**. Гулистон районидан,— бу йил 130 гектар майдоннинг ҳаммасига чигитни квадрат-уялаб экишга ва етиштирилган ҳосилнинг деярли ҳаммасини фақат машиналар билан теріб олишга қарор қилдилар.

Газетхонлардан **Х. Холйигитов, Ю. Абдуалимов, Т. Худойбердиев, С. Равшанов, А. Хўжаназаров** ва **Э. Худойбердиев** ўртоқлар юборган мактублар ҳам ана шундай хушхабарлар билан тўлиб тошган.

Оммавий чигит экиш тобора яқинлашгани сайин Ўрта Чирчиқ районидаги илғор хўжаликларда ишлаётган деҳқонлар ва механизаторларнинг ғайрат-шижоатлари жўш урмоқда. Ишбилармон кишилар бошчилик қилаётган кўпчилик бригадаларда экиш мавсумига ҳамма нарса ҳозиру-нозир қилиб қўйилди. Буни ўртачирчиқлик қишлоқ мухбирларидан **С. Ҳайитқулов, Н. Тўфонов, И. Раҳматуллаев, Э. Қолдибоев** ва **Б. Содиқов** ўртоқлар юборган хабарлари ўқиб чиққан киши ёрқин ҳис эта олади.

ХАТЛАРГА ОБЗОР

Янгийўллик ватанпарвар пахтакорларнинг ташаббуси ҳаммани қойил қолдирди. Шу районнинг олийҳиммат деҳқонлари эл-юрт олдида, она-Ватан олдида берган сўзларининг устидан чиқиш учун шу кеча-кундузда мўл ҳосил иштиёқи билан яшаётирлар. **А. Шокиров, О. Совранбоев, Қ. Булганбоев, С. Миршарипов, Ю. Бекмуродов, Т. Имомов, И. Ўринбоев** сингари актив қишлоқ мухбирларимизнинг хабарлари ана шундан далолат бериб турипти.

«Калинин районидаги Киров номли колхоз пахтакорлари етти йилликнинг бешинчи йилини 720 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан «оқ олтин»кўтариш билан якунлашмоқчи, — дейилади ўртоқ **З. Тожиевнинг** хабарида, — ҳозир колхозчилар ана шу аҳднинг уддасидан чиқиш учун экиш ишларини оммавий суратда авж олдиришга ошиқмоқдалар. Дала бошларига 3600 тонна гўнг ташиб чиқарилди. Экиш агрегатларининг ҳаммаси мавсумга тахт қилиб қўйилди».

Областимизнинг турли районларида яшовчи **С. Мирзалиев, Ю. Мансуров, А. Эргашев, М. Ойдинов, Н. Мадаминов, Х. Халилов, Р. Довутбеков, В. Қодиров, Ф. Знёдуллаев, Н. Ғофуров, Р. Холматов, И. Хаминжаев** каби ўртоқларнинг хабарлари ҳам чигит экиш мавсумини кун сайин қизитиб юбораётган деҳқонларнинг ишига бағишланган.

Бир неча қишлоқ мухбири редакциямизга хат ёзиб, сабзавотчи хўжаликларда баҳорги ишлар қандай бораётгани ҳақида қиҳоя қилган. Жумладан актив мухбиримиз ўртоқ **Т. Хушназаров** қуйидагича ёзади: «Ўрта Чирчиқ районидаги 1-«Оҳангарон» совхозининг 1-бўлими ишчилари 75 гектар майдонга нўхат ва 8 гектар майдонга пиёз экишни муваффақиятли тамомладилар». **У. Каримов, Р. Нажимов, Х. Аблоев, Р. Файзуллаев, М. Сандазимов** ўртоқлар юборган хабарларга кўра Ўрта Чирчиқ районидаги 2-«Оҳангарон» совхози ва Калинин районидаги Свердлов номли, Охунбобоев номли, «Октябрь» колхозларининг илғор бригадаларида сабзавот экинларини экиш уюшқоқлик билан олиб борилаётир.

Ниҳол эккачиг — ўзингга ном эккачиг, дейди халқимиз. Ҳақиқатан ҳам кўчат ўтқазиш ниҳоятда шарафли ишдир. Ҳозир областимизнинг ҳамма жойларида мевали ва манзарали дарахтларнинг кўчатларини экиш қизғин давом эттирилмоқда. «Социализм» совхозининг меҳнаткашлари бу йил 70 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экишга аҳд қилган эдилар, — дейилади сирдарёлик ўртоқ **Ю. Абдуалимовнинг** хатида, — ҳозир улар ана шу ниятларига эришмоқ учун кўчат ўтқазиш ишларини уюшқоқлик билан бажармоқдалар. Бу ишда совхознинг 2 ва 4-бўлимлари олдинда бормоқда. Қишлоқ мухбирларимиздан **Н. Миршарипов, Т. Шералиев, Т. Сихарулидзе, М. Эргашев, С. Маматхонов, А. Набихўжаев, Ш. Холмуҳамедов, А. Маҳмудов** ўртоқлар ёзиб юборган хат-хабарлар ҳам кўчат ўтқазиш мавзуида ёзилган.

Деҳқон ўртоқлар! Олтин кузга бориб кўтарган хирмоним баракали бўлсин, сўзимнинг устидан чиқай, эл-юрт олдида юзим ёруғ бўлсин десангиз ишни бошидан пухта қилинг. Ҳозир темирни қизиғида босадиган пайт.

МАККАЖЎХОРИКОРЛАР

Очиқ партия йиғилишида бу йил маккажўхорига муносабатни тубдан яхшилаш масаласи ўртага ташланди.

— Ҳақиқатан ҳам, — деди, колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ҳамроқул Бўлисбоев, — нотиқлар тўғри фикрни айтишди. Ахир қўшни хўжаликларда гектаридан камида 700-900, ҳатто 1000 центнердан ошириб силосбоп кўкпоя олиняпти. Лекин, биздаги ҳосилдорликни айтгани уяласан киши.

— Шунинг учун ҳам, — давом этди секретарь, — маккажўхорикорлар бригадасига жон куйдириб ишлайдиган кишиларни биркитиш керак. Биз правление аъзолари билан маслаҳатлашиб шундай қарорга келдик: колхозда маккажўхори экадиган иккита бригада ташкил қилмоқчимиз. Улардан бири фақат дон етиштиради, иккинчиси силосбоп кўкпоя.

Бу йиғин шу йилнинг бошида бўлиб ўтган эди. Шунда иккита маккажўхорикор бригадаси тузилиб бирига коммунист Қурбон Юсупов, иккинчисига Номоз Ҳамдамов ўртоқлар бошлиқ қилиб тайинландилар. Ҳар бир бригадага етарли миқдорда ишчи кучи ва техника воситалари ажратилди.

Номоз бошлиқ бригада ватанпарварлари 100 гектар ерга уруғ ташлаб, унинг ҳар гектаридан пландаги 30 ўрнига 50 центнердан дон, Қурбон ака бошлиқ бригада азаматлари эса 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 550 центнер ўрнига 1000 центнердан силосбоп кўкпоя етиштиришга бел боғладилар.

Шу кунларда ҳар иккала бригада далаларида ҳам экиш ишлари тугалланай деб қолди. Маккажўхори дони етиштирувчилар бригадасида Акбарали Умаралиев, кўкпоя етиштирувчилар бригадасида эса Абдуҳамид Мўминовнинг агрегатлари бетўхтов ишлаб турибди. Моҳир механизаторлар уруғни 60х60 схемасида экмоқдалар.

Ҳа, маккажўхорикорларнинг далаларида қаёт қайнамоқда. Улар ўз устларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этиш учун астойдил бел боғлаганлар.

З. ҚУРТНЕЗИРОВ.
Яшгийўл, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози.

КВАРТАЛ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Илгари қолоқ бўлиб келган «Бўзсув» совхозида бу йил деҳқончилик ишлари ҳам, чорвачиликни ривожлантириш ҳам анча дуруст бораяпти.

Сигирларни меҳр билан боқаётган сут-товар фермаси ишчилари 1963 йилнинг биринчи квартали планини муддатидан бир неча кун олдин бажаришга муваффақ бўлдилар. Улар 1 апрелгача 190 соғин сигирдан давлатга 93,4 тонна яъни планда кўрсатилганидан 400 килограмм кўп сут сотдилар.

— Февраль ойида ем-хашак сал танқис бўлиб қолгани туфайли сигирлар сути бироз камайиб кетган эди,— дейди бригада бошлиғи Александр Андреевич Сергеев,— ҳозир дуруст. Кунига ҳар бир сигирга 20 килограмм силос, 8 килограмм хашак, 2 килограмм комбикорм, 10 килограмм барда бераётирмиз. Тез вақт ичида нўхат, жавдар, лавлагиларимиз етилиб колади.

28 тадан сигирни соғаётган Октябрина Жгун, Қумри Юнусова ва 20 сигирни соғаётган Эмина Суюнова сигирларни илғор сут соғувчилар сигирлар сутини кун сайин кўпайтирмоқдалар. Ферма коллективи ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети Президиумига ёзган шаҳар атроф зоналарда сут етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги мактубига жавобан бу йил 393 тонна ўрнига 410 тонна сут етиштириш мажбуриятини олди.

З. ИСРОИЛОВ.

„ДАЛА МАЛИКАСИ“— ЧОРВА ХАЗИНАСИ

(Ўрта Чирчиқ. Телефон орқали олинди). КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларидан руҳланган Ўрта Чирчиқ район чорвадорлари яхши ишга кўл урдилар. Улар озиқли от ҳоримас деган халқ мақолига амал қилиб мустаҳкам ем-хашак базаси яратишга ҳозирданоқ киришдилар. Эртани ўйлаб иш қиладиган азамат механизаторлар пландаги 1390 гектар ўрнига 1671 гектар ерга юксак агротехника қоидаларига амал қилган ҳолда нўхат экдилар. Тупроққа қадалган уруғ текис униб чиқа бошлади.

Шу кунларда районнинг ҳамма хўжаликларида ҳам маккажўхори экиш қизғин олиб борилмоқда. Бу умумхалқ ишида 2-«Оҳангарон» совхозининг азамат чорвадорлари айниксa намуна кўрсатиб ишлаяптилар. Улар бу йил 625 гектар ерга маккажўхори экишни планлаштирганлар. Шундан 250 гектари дон, қолган 375 гектарида эса кўкпоя етиштирилади. Шу кунларда совхоз далаларида 6 та агрегат унумли ишлаяпти. Ҳар куни 50—55 гектар ерга сифатли қилиб маккажўхори экилмоқда.

Шунингдек «Ленин йўли» колхозида ҳам маккажўхори экиш жадал суръатлар билан олиб борилаяпти. Бу хўжалик чорвадорлари 75 гектар ерга нўхат экиб текис ундириб олдилар. Шу кунларда 3 та агрегат маккажўхори экиш билан банд. Колхозда бу йил 180 гектар ернинг 40 гектарида дон, 140 гектарида эса кўкпоя етиштириш планлаштирилган. Ҳозир ана шу мақсадга эришиш йўлида баҳорги иш қизғин олиб борилмоқда.

Қайси бир хўжаликда бўлманг тупроққа маккажўхори уруғи қадаётган деҳқонларни кўп учратасиз. Ҳа, район хўжаликларида 22 та сеялка унумли ишлаб турибди. Бу йил ўртачирчиқлик чорвадорлар «дала маликаси»дан 4880 тонна дон, 76 минг 925 тонна кўкпоя етиштиришлари учун ҳам улар барча майдондаги кўчатни текис ундириб олишлари, қатор ораларига дастлабки ишлов беришни қизитиб юборишлари керак.

ТАРАДДУД

Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Куйбишев номли колхоз пиллачилари ўтган йили 63 қути қурт уруғи боқиб, давлатга 3402 килограмм пилла топширган эдилар. Бу, колхозда кўплаб пилла ҳосили етиштириш имкониятини мавжудлигини кўрсатди. Колхоз пиллачилари ички резервларни ҳисобга олиб, бу йил 115 қути ипак қуртини парвариш қилишни планлаштирдилар ва давлатга 6000 килограмм пилла етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Колхозда ана шу мажбуриятни бажариш юзасидан ипак қуртини боқишга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Қуртхоналар тўла ремонтдан чиқарилиб, 200 та чий, 50 та печка, 30 та сўнчак ва ёқилғилар тахт қилиб қўйилди. 24 гектардан ошиқ ерда тутчилик плантацияси ташкил этилган.

А. РАЗЗОҚОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
3-БЕТ, 3 АПРЕЛЬ, 1963 ЙИЛ.

МАДАНИЯТ ЎЧОҚЛАРИ

Меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва коммунистик садоқат руҳида тарбиялашда маданият ўчоқларининг роли бениҳоя каттадир. Областимиздаги саройлар ва клублар, кутубхона ва маданият уйлари ҳам бу соҳада ибратли ишларни олиб бораяптилар. Шунинг учун бу маданият ўчоқлари меҳнаткашлар билан доим гавжум бўлади.

Ўрта Чирчиқ, Янгийўл, Калинин, Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаларидаги маданият муассасаларининг иши айниқса яхши йўлга қўйилган. Кўпгина клубларда турли тематик виставка ва стендлар ташкил этилган, илғор бригадаларнинг иш тажрибаси ҳақида фотомонтажлар ишланган. Савол-жавоб кечалари, китобхонлар конференциялари, атоқли кишилар билан учрашув кечалари тез-тез ўтказиб турилади. Ўтган йилнинг ўзида 270 га яқин ана шундай тематик кечалар ўтказилди. Уларга 52311 киши қатнашди.

Идеология ишларида лекция пропагандаси салмоқли ўринни тутади. Шу сабабли клуб, маданият уйларида бу масалага алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган йили ўқилган лекциялар сони 3434 тага етди ҳамда уларни 380 мингдан ортиқ киши тинглади.

Маданий муассасаларда тўгарак ишлари кенг йўлга қўйилган. Ҳозир областимиз қишлоқ районларида ишлаб турган 308 та бадиий ҳаваскорлик тўгараклари 4878 йигит-қизни ўзига бирлаштирган. Юқори Чирчиқ, Янгийўл, Калинин, Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармалари хўжаликларида ташкил этилган тўгараклар машғулотлари доим жонли ўтади. Шуниси қувонарлики, маданий-оқартув муассасалари ёз ойларида хизматни бевосита дала шийпонларига кўчирадилар. Дала шийпонларини кўргазмали агитация билан безатиш, жанговар варақалар чиқариш, китобхонлар конференциялари ўтказиш учун яқиндан ёрдам бердилар. Агитбригадалар кучи билан колхозчиларга, совхоз ишчиларига 1526 концерт кўрсатилди. Агитбригадаларнинг узоқ йилларда меҳнат қилаётган чўпонларга намунали хизмат кўрсатганликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бунинг натижасида энг яхши бадиий ҳаваскорлик тўгаракларидан 3 тасига «Халқ театри», 2 тасига «Халқ ашула ва рақс ансамбли» деган фахрли ном берилди.

Бу коллективлар кучи билан 113 та спектакль ва концерт кўрсатилди. Кейинги даврда жамоатчилик асосида янги-янги тўгараклар, хорлар ташкил этилаётганлигини айтиб ўтиш керак. Бўстонликда жамоатчи ўртоқ Пфейфер бошчилигида ташкил топган пенсионерлар хор тўгараги бунга мисол бўлаолади.

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Охунбобоев номли колхоз ҳузурида ишлаб турган «Қизлар клуби» яхши фаолият кўрсатяпти. Клубда турли тўгараклар ташкил этилган. Педагогика, медицина темаларида лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

Китоб мамлакатимизда ҳар бир кишининг, ҳар бир боланинг яқин дўстига айланган. Кўп колхоз ва совхозлар, қишлоқ советлари ўз кутубхоналарига эга.

Ҳозирги кунда 488 дан ортиқ кутубхона халқ хизматида. Кўп кутубхоналарда турли оммавий ишлар системали ўтказиб турилади. Айниқса, эски Тошкент кутубхонаси томонидан «Москва» колхозида ўтказилган «Бир центнер пахта ва таннарх», Қибрай, Дўрмон қишлоқ кутубхоналарининг «Қизил Ўзбекистон» колхозида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Эгамназаров бригадаси иши юзасидан ўтказган конференциялари мароқли бўлди. Бўстонлиқ консерва заводида бўлган «Иш соати ва бир минутнинг қиймати» темасидаги конференция ҳам катта қизиқиш уйғотди. Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин қишлоқ кутубхонасида эса тематик конференциялар тез-тез ўтказиб турилади. Яқинда бу ерда ёзувчи И. Раҳимнинг «Хилола» асари юзасидан китобхонлар конференцияси бўлди. Конференцияда авторнинг ўзи, ёзувчилардан Саид Аҳмад, Асқад Мухтор қатнашдилар.

Кўпчилик кутубхоналар қишлоқ хўжалик адабиётларини, ишлаб чиқариш илғорларининг иш тажрибаларини кўргазмали агитация йўли билан кенг пропаганда қилмоқдалар.

Областимизнинг маданий-оқартув муассасалари бир қанча дуруст тадбирларни амалга ошираётган бўлсалар ҳам, аммо айримларининг фаолиятида камчиликлар ҳам содир бўлаяпти. Буларнинг кўпида халқ театрлари, ашула ва рақс ансамбллари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ўз ишларини бошлаганларича йўқ. Клублар, кутубхоналарнинг жиҳозлари анча эскириб қолган.

Янгийўл бошқармасидаги Киров номли, Ўрта Чирчиқдаги Ленин номли, Қуйбишев номли колхозлар клублари эса хўжалик эҳтиёжи ўрнида фойдаланиб келинмоқда. Шунингдек, 60 дан ортиқ колхоз эса ҳамон ўз кутубхонасига эга эмас.

Маданий муассасалар ишини қайта қуришда колхоз ва совхоз раҳбарлари, ишлаб чиқариш бошқармалари, маҳаллий партия ва совет ташкилотлари яқиндан ёрдам беришлари лозим. Чунки, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл етиштириш учун меҳнаткашларни сафарбар қилишда маданий муассасалар олдида ҳам катта вазифалар турибди. Буни шараф билан бажариш эса ҳар бир маданият ўчоғи ходимининг вазифасидир.

И. БОБОХОНОВ.

Тошкентдаги 20-мактабнинг 10 ва 11-синф ўқувчилари 2-пайпоқ трикотаж фабрикасида ишлаб чиқариш практикаси ўтказмоқдалар. Ҳаваскор фотомухбир С. РИХСИЕВ олган бу суратда ёш чеварлардан Му. аттар ҲУСАНОВА (чапда) ва Мавлуда ТОЖИХУЖАЕВАларни кўриб турибсиз.

МАШЪАЛ КОЛХОЗНИНГ МАШЪАЛ АНСАМБЛИ

Қишлоққа оқшом чўкиши билан Илич чироқлари узоқ-яқинни нурафшон қилиб юборди. Кун бўйи далаларда жавлон уриб меҳнат қилган колхоз йигит-қизлари, бахтиёр кексалар ҳордиқ чиқармоқ учун муҳташам маданият саройлари томон йўл олдилар. Бугун бу ерда катта тантана.

Яқинда Ватанимизнинг гўзал пойтахти Москванинг Кремль театрида, Лихачев номидаги автомобиль заводида, Москва областининг Люберци районидаги «Путь Ильича» колхозида, Дзержинский номли маданият саройи ҳамда П. Лумумба номидаги Халқлар дўстлиги университетида шўх-шўх ўйнаган, кувноқ куйлаган «Қизил Ўзбекистон» колхози халқ ашула ва рақс ансамблининг ижодий коллективи бугун ўз ҳамқишлоқлари олдида ҳисобот концерти беради.

Маданият саройининг концерт зали бир зумда колхозчилар билан тўлди. Якуловчи концертга райондаги қўшни колхозлардан ҳам одамлар келишган эди.

Ансамблнинг бадиий раҳбари, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Ҳ. Нишонов тўпланганларга колхоз ҳаваскорларининг Москвада зўр муваффақият билан ўтган концертлари, у ердан олинган ажойиб тассуротлар ҳақида гапириб берди. Ансамблнинг бир группа қатнашчиларига СССР Маданият министрлигининг Фахрий ёрлиғи топширилди, ансамбль ташкилотчиларидан бир группаси эса СССР Маданият министрлигининг «Аъло хизматлари учун» значоги билан, ансамбль қатнашчиларидан 26 киши Ўзбекистон Маданият министрлигининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Зал қоронғулашиб, бахмал парда очилади. Либослари нурда жилва бериб турган хор коллективи «Салом, Москва» қўшиғи билан концертни бошлайди. Ўзининг оригиналлиги, жозибадорлиги билан киши қалбини ҳаяжонга солувчи «Баҳор байрами» ва «Ҳосил байрами» вокаль сюиталари ижро этилади.

Колхозчиларнинг шу кунги ажойиб ҳаётини, уларнинг улкан меҳнат самараларини тараннум этувчи «Колхозда тўй» ва кўп миллатли Ватанимиз халқларининг буюк дўстлигига бағишланган «Дўстлигимиз тантанаси» вокаль-рақс сюиталари ижро этилар экан, залда олқишлар янграйди. Саҳнада рақс ўрнини ашула, қўшиқ ўрнини куй эгаллай бошлайди.

Ансамбль раққосаларидан Н. Ортиқметова билан Ҳ. Ҳамидова ижро этган «Ором», «Ўйнасин» рақслари, М. Раҳимова, С. Усмоналиев, Д. Ризаева, Ҳ. Ҳўжаев, У. Абдулҳақовалар ижро этган «Эй меҳрибоним», «Наманганнинг олмаси», «Парво этиб кет», «Москва қизларига», «Жонона» каби қўшиқ ва ялларини томоша қилган залдагилар ором олдилар.

Колхоз ашула ва рақс ансамблининг Москва гастролидан қайтгандан сўнгги ҳисобот концерти муваффақият билан ўтди.

С. РИХСИБОЕВА,
С. ЕҚУБОВ.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — ВУТУНИТТИФОҚ ЭКРАНИДА

Қизил Байроқ орденли ҳужжатли фильмлар Марказий студияси «Новости дня» Бутуниттифоқ киножурналининг навбатдаги 10-сони мамлакат экранларига чиқарилди.

Киножурналнинг бу сонида партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ҳамда санъат арбоблари билан яқинда бўлиб ўтган учрашуви, бу унутилмас учрашувда Н. С. Хрушчевнинг сўзлаган ёрқин нутқи, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Ф. Ильичев, ёзувчи М. Шолохов, кинорежиссёр Г. Чухрай ва бошқа ўртоқларнинг сўзга чиққанлигини кўрсатувчи кадрлар ҳам ўрин олган.

Бошқа кадрларда янги сайланган Олий Советларнинг депутатларига депутатлик ҳужжатлари топшириш кўрсатилади. Томошабинлар Тошкент Давлат медицина институтининг доценти, хирург М. Ашрапованинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати гувохномаси олаётганлиги ҳақидаги, унинг ўтказган мингдаб операциялари тўғрисидаги кинокадрларни ҳам кўрадилар.

В. БРАЙКОВСКАЯ.

ЧЎПОН ГУЛХАНИ

Адрлар қўйнига чўкиб ётар тун,
Тун тусмиш яйловнинг ялпиз юзини.
Узоқдан таралиб келади тутун,
Гулхан ловуллатар олов кўзини.
Аланга тўлғонар тун оғушида,
Тунни уфқларга қувмоқ бўлади.
Қора тун кўксида оташ-қон юриб,
Туннинг ғуборини ювмоқ бўлади!
Йилқичи йигитлар отни мадх қилар,
Қўзисин мақтайди тўлиб қўйчивон.
Улар юрагини қўшиқ қитиқлар,
Улар юрагидан куй оқар равон.
Куй, қўшиқ тинмайди,
Гулхан сўнмайди,
Қайдадир йилқилар чирт-чирт ўт узар.
Улар сиҳбатига ғубор қўнмайди,
Уларнинг ёнида ёруг нур сузар.
Кўйга жўровоздир чўпон юраги,
Гўё пичирлайди майсалар лаби.
Тинчлик ва осойиш улар тилаги,
Тунда бедорлигин шудир сабаби!
Чўпонлар гулхани, сўнма сен асло,
Гулдаста бўлиб тур туннинг кўксида,
Сендан олиб турсин чўпон нур, зиё,
Олов бўл,
олов бўл унинг кўксида.

Маъруф ҚОРИЕВ.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

„ШАРҚ ЮЛДУЗИ“

Ўзбек совет адабиётининг асосчиси, театр ва ҳозирги замон музикамизнинг яратувчиларидан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни халқимиз ҳурмат билан тилга олади ва унинг ҳақида кўпроқ билгиси келади. «Шарқ юлдузи» журналининг учинчи сонида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳақида муҳим ҳужжат эълон қилинган.

Журналнинг бу сонида Н. С. Хрушчевнинг партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувида 1963 йил 8 мартда сўзлаган «Юксак ғоявийлик ва бадиий маҳорат — совет адабиёти ва санъатининг буюк кучидир» деган нутқи, КПСС Марказий Комитети секретари Л. Ф. Ильичевнинг партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувида 1963 йил 7 мартда сўзлаган «Санъаткорнинг халқ олдидаги масъулияти ҳақида» деган нутқи босилган.

Журналхонлар бу сонда шоира Зулфиянинг «Она кўкси» шеърини, Уйғунинг «Гирдоб» пьесасини, Азиз Абдураззоқнинг янги шеърларини, Т. Каипбергеновнинг «Сўнгги ҳужум» романининг давомини ўқишлари мумкин.

«Қизлар ижоди» рубрикаси остида Гулчеҳра, Эътибор Охунова, Санобар Ҳасанова, Гулчеҳра Нуруллаева, Зулфия Мирпўлатова ва бошқаларнинг ҳикоя ва шеърлари ҳам журнал саҳифасидан ўрин олган.

«Ўзбекистон ёзувчиларининг V съезди олдидан» рубрикаси остида Озод Шарафиддиновнинг «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки» китоби ҳақида рецензия, Салоҳиддин Мамажоновнинг «Кўп йиллик меҳнат самараси» сарлавҳали мақолалари босилган.

СУРАТДА: бугунги Будапешт.

ТАСС фотохроникаси.

ВЕНГРИЯНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

15 март, 21 март ва 4 апрель — баҳорги бу уч сана венгр халқи тарихида олтин ҳарфлар билан ёзилган. Бундан 115 йил муқаддам «март ёшлари» Лайош Кошут бошчилигида антифеодал, миллий-озодлик кураши байроғини баланд кўтарган эди. 44 йил илгари эса, 1919 йил 21 мартда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг бевосита таъсири остида Венгрия Совет Республикаси вужудга келди ва у қаҳрамонона 133 кун ҳаёт кечирди. Ниҳоят, 1945 йил баҳорида монархо-фашистик режим бутунлай агдариб ташланиб, мамлакатда халқ-демократик ҳокимияти ўрнатилди. Озод Венгрия 18 йилдан буён ривожланиб, мустаҳкамланиб ва яхшиланиб бормоқда.

Бу йилги қиш венгер меҳнаткашлари учун жуда кўп қийинчиликлар туғдирди. Қаттиқ совуқлар ва қалин ёққан қор сабабли айрим корхоналардаги ишлаб чиқаришда узилишлар бўлди, қурилиш суръатлари секинлашди, ёқилғига эҳтиёж сезилди. Одатдан ташқари қаттиқ қиш туфайли халқ хўжалигига етказилган зарар юз миллионлаб форинтни ташкил этди. Янги бошланган баҳор ҳам ўзи билан бирга қийинчиликлар олиб келди. Қорларнинг тез эриши натижасида мамлакатнинг шимолидаги кўпчилик кичик дарёларда ҳамда Дунай ва Тисса дарё оралиқларида тошқинлар бўлди. 500 мингга яқин хольд майдон сув остида қолиб кетди.

Лекин шунга қарамай, мамлакатнинг турли бурчакларидан кўплаб қувончли хабарлар келиб турибди. Венгер меҳнаткашлари иккинчи беш йилликнинг иккинчи йилини муваффақиятли якунладилар. Шу муддат ичида саноат ишлаб чиқариши 9 процент кўпайди. Галлаонлар қаттиқ қурғоқчилик шароитида ҳар бир хольддан (1 хольд 0,57 гектарга тенг) ўртача 10 центнердан кўпроқ галла ҳосили олишга эришдилар. Бу муваффақият ёппасига кооперацияга ўтиш туфайли қўлга киритилди. Ҳозирги вақтда мамлакатдаги ҳайдаладиган барча майдонларнинг 96 проценти қишлоқ хўжалигида социалистик секторга тегишлидир. Йирик кооператив хўжаликлари фақат ўтган йил ичида 7700 трактор, 5100 трактор плуги, 1100 комбайн ва бошқа жуда кўп машиналар, материаллар ҳамда сунъий ўғит олдилар. Бу хўжаликларга 1 миллион 200 мингга яқин деҳқон бирлашган. Қишлоқ хўжалиги социалистик асосда қайта қурилганлиги — венгер меҳнаткашларининг жуда катта ғалабасидир.

Ҳозир халқ Венгрияси улкан қурилиш майдончасини эслатади. Бу ерда янгидан-янги корхоналар қурилиб ишга туширилмоқда, суғориш ва қуритиш каналлари далаларни кесиб ўтаётир, йўллар қурилмоқда, янги-янги шаҳарлар бунёд қилинаётир. Ўтган 18 йил ичида мамлакатда 12 та янги шаҳар ва аҳоли яшайдиган 149 та янги пункт барпо қилинди. Илгариги кичик Дунапентеле қишлоғи ўрнида ҳозир янги социалистик шаҳар — 30 минг кишидан ортиқ аҳолиси бўлган Дунауйварош қад кўтариб турибди. Бу ерда Совет Иттифоқининг беғараз ёрдами билан қурилган металлургия комбинатидан ташқари, иккита тиқувчилик ва битта йигирув фабрикаси ишлаб турибди. Яқинда целлюлоза заводи ишга туширилди. Дунай металлургия комбинати мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ҳамма чўяннинг 40 процентини, пўлатнинг 20 процентини, домна коксининг 100 процентини бермоқда.

Казинцбарцикани Венгрияда ёшлар шаҳри деб аталади. Шаҳар аҳолисининг ёши ўрта ҳисобда 29 га тенг. Бу ерда Венгрия химия саноатининг гиганти — Боршод химия комбинати ишлаб турибди. Бу комбинат Совет Иттифоқининг техника ёрдами билан қурилган. Ҳозирги вақтда комбинат кенгайтириляпти. Унинг йиллик қуввати 37 минг тонна аммиак ишлаб чиқаришдан 74 минг тонна аммиак ишлаб чиқаришгача ошади.

Шахтёрлар шаҳри Комло, энергетиклар шаҳри Алка ва Тиссафалконьа ва бошқа шаҳарлар ривожланиб ва яхшиланиб бормоқда. Венгрия пойтахтининг қиёфаси ҳам кун сайин ўзгариб бораётир.

Мамлакатда уй-жой қурилиши кенг қулоч ёйди. 1957 йилдан то 1960 йилга қадар 700 мингдан ортиқ киши янги квартираларга кўчиб кирди. Бешйилликнинг охирига қадар яна 300 минг квартира қурилади. Ваҳоланки, планда 250 минг квартира қуриш назарда тутилган. Бунга Вацадаги гигант цемент-оҳак комбинати қурилишининг яқин вақтлар ичида тугалланиши туфайли эришилади. Комбинат йилига 1 миллион тоннадан ортиқ цемент беради.

Индустриал базани вужудга келтиришда Венгрияга Совет Иттифоқи катта ёрдам кўрсатмоқда. СССР нинг техника ҳамкорлиги билан мамлакатда 13 корхона ва объект қуриб битказилди. 9 та объектга эса машина ва асбоб-ускуналар етказиб бериш тугалланди. Дунай металлургия комбинати, Дебрецендаги шарикоподшипник заводи (бу завод мамлакатда ишлаб чиқарилаётган барча подшипникларнинг 75 процентини беради) ва бошқа жуда кўп гигант корхоналар шулар жумласидандир. Ўтган йили «Дружба» нефтепроводининг Венгрия участкаси қурилиши тугалланди. Бу провод орқали Венгрияга яқин вақт ичида миллион тонна Волга нефти етиб келади. Шунингдек, Венгрия ва Украина энергия системаларини бирлаштирувчи «Мир» электр узатиш линияси ҳам тугалланди. Сазхаломбаттда Совет Иттифоқининг техника ёрдами билан 600 мегаватт қувватга эга бўлган электр станцияси ҳамда Печада 100 мегаватт қувватли электр станцияси қурилмоқда. Бу станциялар эксплуатацияга топширилгач, мамлакатда электр қуввати ҳосил қилиш 30 процент кўпаяди.

Венгрия-Совет савдо алоқалари ҳам йилдан-йилга кенгайиб бораётир. Ўтган йили ҳар иккала мамлакат ўртасидаги товар обороти 1955 йилга нисбатан уч марта кўп бўлди. Венгрия Совет Иттифоқига кемалар, сузувчи кранлар, тепловозлар, пассажир вагонлари, автобуслар, станоклар ва бошқа маҳсулотлар етказиб бермоқда. СССР га етказиб берилаётган товарларнинг 80 процентдан кўпроғини ғайр саноат буюмлари ташкил қилади.

Венгер дўстларимиз ўтган йил охирида имзоланган Венгер бокситларини қайта ишлаш тўғрисидаги Венгрия-Совет битимига катта эътибор бермоқдалар. Венгрия бокситнинг жуда катта запасларига эга. Бу запас тахминан 80 миллион тоннага етади.

Шартномага биноан, Венгрия оладиган боксит Совет Иттифоқининг арзон электр қуввати ёрдамида қайта ишланади. Бунга кетган харажатларни Венгрия СССР га товарлар етказиб бериш билан қоплайди. 1980 йилга бориб Венгрияда алюминий ишлаб чиқариш 300 минг тоннага кўпаяди. Бу битим — совет ва венгер халқлари ўртасидаги чинакам қардошларча муносабатларнинг яна бир ёрқин далилидир.

Митрофан ПОПОВ,
ТАСС мухбири.
Будапешт шаҳри.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 3 АПРЕЛЬ, 1963 ЙИЛ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

3 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Ҳал қилувчи чорак** (мактаб ўқувчилари учун).

Қозоқ тилида: 18.20 — **Ўрта Осиё олимларининг ҳамкорлиги.**

Ўзбек тилида: 18.45 — **Эрта экран эрта йигади** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 19.05 — **Телевизион янгиликлар**, 19.20 — Г. Ғулом. **«Ленин ва Шарқ»**, 19.40 — **Концерт** (филармония хор капелласи ижросида).

Рус тилида: 20.10 — **Сўзлар оламида**, 20.40 — **Халқаро масалалар**, 20.55 — **Телевизион янгиликлар**, 21.10 — **Саноат ходимлари учун**, 21.25 — **«Расмлар»** (А. Мальц қиноясси асосида телеинсценировка), 22.05 — **Сўна** номли янги фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 19.45 — **Саёҳатчи, текширувчи, рассом.**

Ўзбек тилида: 20.10 — **Венгрия Халқ Республикаси** («Социализм мамлакатлари» циклидан), 20.30 — **Буюк оиланинг тенг аъзолари**, 20.55 — **Улар ўн тўққиз ёшда эдилар** номли бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/IV да **Риголетто**, 4/IV да **Момақалдироқ сўқмоғидан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/IV да **Номус**, 4/IV да **Имон.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/IV да **Алпомиш**, 4/IV да **Кимга тўй, кимга аза.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 3/IV кеч соат 8 да Ўзбекистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов концерти.**

КИНО

Каролина Риенская — «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун). «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Асп билан юриш — «МИР», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Йўллар ва тақдирлар — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

12 йўловчи — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ЯНГИ АТТРАКЦИОН

Анатолий Сокол

Ўз ёрдамчиси —

ЭЛЕКТРОН-МЕХАНИК КИШИ «РОБОТ» билан.

3, 4, 5/IV да томошалар кеч соат 7 яримда, 6/IV да — кундуз соат 4 ва кеч 7 яримда, 7/IV да — кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасиси

КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР ЧИҚАРАДИ

Жодугар қизи

НОМЛИ РАНГЛИ КИНОПОВЕСТЬ

ХХРнинг Шанхайдаги «Хайянь» киностудияси ишлаган.

Танца кечаси

НОМЛИ САРГУЗАШТЛИ ФИЛЬМ

ГДРнинг «Дефа» киностудияси ишлаган.

Армагеддон

НОМЛИ КИНОПОВЕСТЬ.

Сценарий авторлари — **Лидия Мишченко, Георге Менюк.**

Постановкачи режиссёр — **Михаил Израилев.**

Бош оператор — **Леонид Проснуров.**

Бош ролларда: **Изольда Извицкая, Эдуард Бредун.**

«Молдова-фильм» киностудияси ишлаган.

Капитан Лой туши

НОМЛИ КЕНГ ЭКРАНЛИ САРГУЗАШТЛИ ФИЛЬМ.

Сценарий автори ва режиссёр — **Курт Метциг.**

Оператор — **Карл Плинцнер.**

Ролларда: **Хорс Дринда, Христина Ласцар, Ульрих Тайн** ва бошқалар қатнашади.

ГДРнинг «Дефа» киностудияси ишлаган.

ТАБИИЙ ГАЗ АСБОБ-УСКУНАСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИЛАШ УЧУН

УЙ-ЖОЙ ФОНДИ ЭГАЛАРИ

МУРИЛАРНИ ТОЗАЛАШ ВА ТЕКШИРИБ ТУРИШ ТЎҒРИСИДА

МАХСУС ШАҲАР РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ БИЛАН

шартнома тузишлари зарур

Сўнгра, бу мўрилардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида қуйидаги муддатларда «Ташпромкоммунгаз» трестига акт тақдим қиладилар:

Газ билан сув иситувчи асбоблар ҳамда иситувчи-пиширувчи печлар тўғрисида — ҳар кварталда бир марта.

Вино иситувчи печлар тўғрисида — иситиш мавсуми олдидан йилига 1 марта, лекин 1 октябрдан кечикмай.

Мўриларни ремонт қилганда, «Ташпромкоммунгаз» трестининг вакиллари газ аппаратларини узиб қўйиш ва ишга солишни уй-жой бошқармалари ва идораларнинг аризаларига мувофиқ бажарадилар ва акт тузиб расмийлаштирадилар.

Ремонт ишлари тамомланганидан кейин мўриларни ва вентиляция каналларини махсус шаҳар ремонт-қурилиш бошқармасининг вакиллари текшириб, акт тузади.

Мўрилари ўз вақтида текширилмаган объектлар газдан узиб қўйилади.

Махсус шаҳар ремонт-қурилиш бошқармасининг адреси: Тошкент шаҳар, Максим Горький кўчаси, 256-уй.

«Ташпромкоммунгаз» трестининг адреси: Б. Хмельницкий кўчаси, 59-а уй.

Газ асбобларини «Ташпромкоммунгаз» трестининг заказига мувофиқ махсус ташкилотлар монтаж қилгандан кейин, комиссия томонидан қабул қилиб олиниши лозим.

Ўзбошимча монтаж қилинган газ асбоблари узиб қўйилади ва қайтадан монтаж қилинади.

«ТАШПРОМКОММУНГАЗ» ТРЕСТИ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного и сельского областных Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885. Секретариат — 34808. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалиги бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат, транспорт ва маҳаллий ахборот бўлимлари — 33786. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31.936. Элонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 06813. ИНДЕКС 64695 А. 1564.